БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 231 (1493)
22 НОЯБРЬ
ЯКШАНБА
1959 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

СОВЕТ ДЕПУТАТИ

Яқинда Ўзбекистон ССР бешинчи чақириқ Олий Советининг учинчи сессияси ўз ишини муваффақият билан тамомлади. Сессияда Ўзбекистон ССР билан Тожикистон ССР ўртасидаги чегарани қисман ўзгартиш, Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1960 йилги плани, Ўзбекистон ССРнинг 1960 йилги давлат бюджети ва Ўзбекистон ССРнинг 1958 йилги давлат бюджетининг бажарилиши, Ўзбекистон ССРда табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси каби жуда муҳим масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек сессия Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатини чақириб олиш тартиби ҳақидаги масалани ҳам муҳокама қилди.

Сессия халқлар дўстлиги ва совет демократиясининг ёрқин намойишига айланди. Пролетар интернационализми ғоясининг ажойиб тантанаси бўлди.

Сессияда қабул қилинган ҳужжатларда, айниқса Олий Совет депутатини чақириб олиш тартиби тўғрисидаги Қонунда депутатларнинг фаолияти, бурчи ҳозирги куннинг, амалий вазифалари билан, коммунистик қурилиш вазифалари билан маҳкам боғлаб ишлаб чиқилган.

Ҳақиқатан ҳам ҳозирги вақтда, мамлакатимиз коммунизм қурилишини кенг авж олдириб юбориш даврига кирган бир шароитда депутатларнинг вазифалари, роли яна ҳам ошиб бормоқда.

Депутатлар халқ томонидан сайланган, халқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида партия ва ҳукумат томонидан қўйилган улуғвор вазифаларни амалга ошириш учун курашга оммани сафарбар этувчи, меҳнаткашларнинг фаровонлигини янада яхшилаш соҳасида жонбозлик қилувчи кишилардир.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев Москва шаҳар Калинин сайлов округи сайловчиларининг 1959 йил 24 февралдаги сайловолди йиғилишида сўзлаган нутқида бундай деган эди: «Бизнинг, мамлакатимизда депутат халқнинг иродасини бажариши, унинг манфаатларини ифодалаши лозим. Советлар депутатларининг кучи шундаки, улар халқ билан чамбарчас боғланиб ишлайдилар. Зотан Советлар депутатларининг ўзлари ҳам ишчилар, колхозчилар, хизматчилар, олимлар, адабиёт ва санъат арбобларидир. Улар халқнинг пушти-камаридан бўлган кишилардир».

Мамлакатимизда Советларга халқнинг энг яхши фарзандларидан 1 миллион 800 минг киши депутат қилиб сайланган. Улар партия ва халқ иши учун, коммунизм ғалабаси учун актив курашмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг 22 декабрда очиладиган Пленумига зўр тайёрлик бораётган ҳозирги шароитда барча депутатлар билан бир қаторда областимиздаги маҳаллий Советларнинг депутатлари ҳам меҳнаткашларнинг тобора ўсиб бораётган меҳнат ғайрати, ижодий ташаббусига бошчилик қилмоқдалар.

Область халқ хўжалигининг барча соҳаларида — саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда қўлга киритилган катта ютуқларимизда депутатларимизнинг муносиб ҳиссаси бор. Депутатларимиз саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилиш, халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш, уй-жой қурилиши, шаҳар ва қишлоқларни ободлаштириш ишлари билан, умумий овқатланиш ва маданий-маиший корхоналарнинг ишларини яхшилаш каби меҳнаткашларнинг ҳаётий масалалари билан яқиндан шуғулланмоқдалар. Бу масалаларни ҳал қилишда доимий комиссиялар ва депутатлар Советларга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этаётган депутатлар фидокорона меҳнатлари билан бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Тошкент шаҳар Советининг депутатлари Содиқ Хусаинов, Зоя Туренко, Бўка район ва қишлоқ Советларининг депутати Жўркинбоев, Оққўрғон район ва қишлоқ Советларининг депутатлари Усмон Султонов, Тўрапошша Хусанов, шу райондаги Карл Маркс номли колхоз 4-бригадасининг бошлиги депутат Усмон Норбўтаев ва бошқа ўртоқлар шулар жумласидандир.

Тошкент чинни заводининг директори, шаҳар Совети ободонлаштириш доимий комиссиясининг аъзоси С. Ҳусаинов, уй-жой комиссиясининг раиси З. Туренко ўртоқлар доимий комиссиянинг ишларида актив иштирок қиладилар, меҳнаткашлардан тушган ариза-шикоятларни текшириш ва уни ҳал қилишда шаҳар Советига яқиндан ёрдам берадилар, сайловчилар билан тез-тез учрашиб турадилар.

Бироқ, шундай айрим депутатлар ҳам борки, улар ўз сайловчиларидан ажраб қолганлар, наказларнинг тақдири билан, Советнинг фаолияти билан қизиқмайдилар, ҳатто Советларнинг сессияларида ҳам камдан-кам иштирок этадилар. Бунга мисол тариқасида Тошкент шаҳар комсомол комитетининг секретари Н. Е. Борков, меҳнат резервлари бошқармасининг бошлиги Г. И. Кижелевский ўртоқларни кўрсатиш мумкин. Улар ишнинг кўплигини баҳона қилиб, Советларнинг ишларида камдан-кам қатнашадилар. Сайлов округларига бориб, сайловчилар билан учрашиб турмиш, улар билан ҳамсуҳбат ва ҳамдард бўлиш, уларнинг истак-орзуларини билиш — ҳуллас талаббус кўрсатиб ишлаш каби депутатга хос фазилатлар бу ўртоқларнинг фаолиятида кўринмайди.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети яқинда «СССР Олий Совети депутатини чақириб олиш тартиби тўғрисида Қонун» чиқарди. Шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Совети ҳам «Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатини чақириб олиш тартиби тўғрисида Қонун» қабул қилди. Бу Қонунларга мувофиқ депутат агар сайловчиларнинг ишончини оқламаса ёки депутат деган юксак номга муносиб бўлмаган ҳаракатлар қилса, тегишли сайлов округидаги кўпчилик сайловчиларнинг талабига кўра исталган вақтда чақириб олиниши мумкин.

СССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатини чақириб олиш тўғрисидаги бу Қонунлар совет демократиясининг янада ёрқин ифодасидир. Бу Қонун ҳар бир депутат учун жиддий огоҳлантиришдир. Ҳар бир депутат халқ томонидан сайланганини, шу халқ учун хизмат қилишини, халқнинг хизматкори эканлигини унутмаслиги керак.

Халқ ишончига сазовор бўлиш, депутатдек юксак ва шарафли номга муносиб хизмат қилиш ҳар бир депутатнинг муқаддас бурчидир.

Ўртоқ Н. С. ХРУЩЧЕВнинг МАКТУБИ

Америка Қўшма Штатларига яқинда қилган сафарим муносабати билан СССР Министрлар Совети ва партиямизнинг Марказий Комитети совет ўртоқлардан ва чет эл гражданларидан минг-минглаб мактуб ва телеграммалар олдилар ва ҳануз олиб турибдилар. Ана шу самимий, дўстона мактубларда Америка-Совет муносабатлари яхшилана бошланганлигидан, давлатлар ўртасидаги муносабатларда кескинликнинг юмшатиш истиқболи очилганлигидан, халқаро иқлим илиётганлигидан мамнуният изҳор қилинади. Мактубларда Совет Иттифоқининг ёппасига ва тамомила қуролсизланиш тўғрисидаги таклифидан чуқур мамнуният изҳор қилинади. Ана шу таклифнинг амалга оширилиши инсониятнинг тараққиётида янги даврни бошлаб берган бўлур эди, бутун дунёда мустаҳкам ва барқарор тинчликка йўл очиб берган бўлур эди.

Менинг номимга ўзларининг самимий истакларини, мактуб ва телеграммаларини йўллаган барча совет ўртоқларга, чет эллардаги барча дўстларга ва турли давлатларнинг гражданларига қизғин ташаккур изҳор қилишни истайсан киши.

Америка гражданлари — ишчилар, фермерлар, интеллигенция вакиллари, савдо-саноат аҳллари қўпгина дўстона мактуб юбордилар. Бу мактубларда СССР Министрлар Совети Раиси билан АҚШ Президентининг бир-бирларига визит билан боришлари табрикланади. Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги муносабатлар доим яхшиланиб, дўстона муносабатларга айлансин, Совет ҳукумати «совуқ уруш» ва зўр бериб қуролланишга барҳам бермоқ учун зўр ғайрат билан қилаётган ишларини давом эттираберсин, деган истак билдирилади. Менга Америкадан хат ёзган кишиларга шундай жавоб қайтаришни истайманки, Совет ҳукумати ленинча тинчликсевар ташқи сиёсатни ҳамиша ўтказиб келди ва бундан буён ҳам ўтказади. Совет ҳукумати бир давлатнинг бошқа давлат ички ишларига аралашмаслиги принципларига амал қилмоқда, ўзаро ҳамжиҳатлик асосларида барча мамлакатлар билан, шу жумладан Америка Қўшма Штатлари билан ҳам ҳамкорлик ва дўстлик учун курашмоқда, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш учун зарур ишларнинг ҳаммасини қилиб келди ва қилмоқда.

Социалистик мамлакатларнинг гражданларидан ҳам жуда кўп хат олинди. Зўр иштиёқ ва ғоят самимият билан ёзилган бу мактубларда Совет Иттифоқи ва барча социалистик мамлакатларнинг эришган муваффақиятлари учун ифтихор туйғулари, мамлакатларимизнинг халқларини илҳомлантираётган, жуда катта муваффақиятларга эришишга йўл очиб бераётган социалистик тузум учун ифтихор туйғулари баён қилинади.

Америка Қўшма Штатларига қилган сафарим муносабати билан менинг номимга юборилган, яхши истаклар баён қилинган жуда кўп мактублар орасида дунёнинг ҳамма мамлакатларидан келган хатлар борлиги мени астойдил қувонтиради. Бу мактубларни ўқиб чиқар экансан, менинг Америка Қўшма Штатларига қилган сафарим бутун дунёда эътибор билан кузатиб борилганлигига, бу сафар бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадам деб ҳисобланганлигига янада кўпроқ ишонч ҳосил қиласан.

Албатта, энг кўп мактубни азиз ватандошларимдан — Совет Иттифоқи гражданларидан олдим. Совет кишиларининг ана шу самимий мактубларини чуқур ҳаяжон ва қувонч билан ўқимасдан бўлмайди. Улар социалистик Ватанимиз тўғрисида, Коммунистик партиямиз ҳақида, ҳаммамиз учун азиз бўлган социалистик тузум тўғрисида, совет халқи комил ишонч ва қатъият билан бораётган коммунизм тўғрисида зўр ифтихор туйғулари билан ёзадилар. Ўз ҳаётининг, ўз социалистик давлатининг чин эгалари бўлган совет кишилари Совет ҳукуматининг тинчликсевар ташқи сиёсатини маъқуллашларини ва табрикламоқдалар, ташқи сиёсат соҳасида эришган муваффақиятларимиздан ҳурсанд эканликларини изҳор қилмоқдалар.

Мен олган мактублар бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш тўғрисида буюк ғамхўрлик руҳи билан суғорилган, бу мактубларда халқаро кескинликнинг янада юмшатилишига умид билдирилади. Совет ҳукуматининг мақсадлари барча мамлакатлардаги кишиларнинг ана шу олижаноб истакларига тамомила мос келганлигини айтиш билан бахтиёрман. Эндиликда шундай муҳит вужудга келдики, бундай шароитда «совуқ уруш» тарафдорларининг халқаро вазиятни яна кескинлаштириш йўлидаги уринишларига йўл бермаслик мумкин ва лозим. Совет ҳукумати ва совет халқига келганда, шуни айтиш керакки, улар давлатлар ўртасидаги муносабатларни яхшилаш учун, инсониятни янги уруш хавфидан абадий халос қилиш учун, тинч-тотув яшаш принципларини тантана қилиши учун зарур чораларнинг ҳаммасини кўрадилар.

Совет ўртоқларга ва чет эллардаги дўстларимизга, барча мамлакатларнинг гражданларига йўллаган олижаноб истаклари учун, изҳор қилган самимий туйғулари учун ва Совет ҳукуматининг актив тинчликсеварлик сиёсатини маъқуллаганликлари учун, шунингдек менинг шаънимга айтилган энг яхши сўзлари учун яна бир марта чин кўнглимдан ташаккур изҳор қиламан. Мен ўз шаънимга айтилган ана шу энг яхши сўзларни тамомила улуғ совет халқимиз шаънига айтилган сўзлар деб қабул қиламан.

Н. ХРУЩЧЕВ.

1959 йил 20 ноябрь.

ДЎСТЛАРНИНГ УЧРАШУВИ

Тошкент меҳнаткашлари Хитой-Совет дўстлиги жамиятининг Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган делегациясини ғоят самимий кутиб олмоқдалар.

21 ноябрь эрта билан меҳмонлар чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти биносида шаҳар жамоатчилигининг вакиллари билан учрашдилар. Жамият президиумининг раиси Ж. Тожиева ва Совет-Хитой дўстлиги жамияти Ўзбекистон бўлимининг раиси, республика Фанлар академиясининг академиги С. Ю. Юнусов ўзлари бошчилик қилаётган ташкилотларнинг фаолияти тўғрисида, Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари каби шаҳар аҳолиси ҳам Хитой Халқ Республикасининг ҳаёти билан ғоят қизиқаётганлиги тўғрисида қардош халқнинг вакилларига сўзлаб бердилар.

Делегация раҳбари — Шанхай шаҳар партия комитетининг секретари Лю Шу-чжоу ва делегация аъзоси, Хитой-Совет дўстлиги жамияти Марказий правлениеси бош секретарининг ўринбосари Ли Чжань-у шу ерда ҳозир бўлган кишиларни хитой халқининг социализм қурилишида эришаётган муваффақиятлари билан таништирдилар. Улар ўз нутқларида Хитой Халқ Республикасининг халқи Совет Ўзбекистонининг экономика ва маданиятни ривожлантириш соҳасида эришган муваффақиятларидан хабардор эканлигини, бу муваффақиятлар Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинча миллий сиёсати тантанасининг ёрқин намунаси эканлигини таъкидладилар.

Лю Шу-чжоу ҳамманинг қарсаклари остида бундай деди: Бизнинг дўстлигимиз қўёш нуридек абадий дўстликдир. Бу дўстлик бизга битмас-туганмас куч ва илҳом бахш этувчи манбадир.

Меҳмонлар Тошкент тўқимачилик комбинатида бир неча соат бўлдилар. Ишлаб чиқаришнинг кенг миқёслари, корхонада етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун авж олиб кетган мусобақа уларда кучли таассурот қолдирди.

Читга гул босиш фабрикасида делегация аъзолари комбинатнинг ишчилари ва инженер-техник ходимлари билан учрашдилар. Фабрика партия ташкилоти секретарининг ўринбосари Е. К. Грудницкая, ишчилардан Маъмура Исаева ва Лариса Лежбруклар меҳмонларни тўқимачилар номидан самимий табрикладилар. Улар совет ва хитой халқларини бир-бири билан боғлаётган қардошларча дўстлик воситалари тўғрисида, социалистик лагерь меҳнаткашларининг қудратли бирлиги ҳақида завқ билан сўзладилар.

Шанхай шаҳар Хуанпу район партия комитетининг секретари Синь Юань-си тўқимачиларни табриклаб нутқ сўзлади. У, Шанхай тўқимачиларининг қизғин саломини топшириб, комбинат ходимларини етти йилликнинг биринчи йили планини бажариш учун курашда эришган муваффақиятлари билан табриклади.

Сизнинг ҳар бир ғалабангиз, — деди Синь Юань-си, бизни чексиз қувонтиради, чунки бизнинг халқларимиз азиз биродарлардир. Биз марксизм-ленинизм нур сочиб турган йўлдан ҳамжиҳат бўлиб олға бормоқдамиз. Биз, совет кишиларининг меҳнат соҳасида янгидан-янги муваффақиятларга эришувларини чин кўнглимиздан тилаймиз.

Хитой Халқ Республикасидан келган меҳмонлар тушган кейин шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилдилар, ЎзТАГ).

Хитой-совет дўстлиги делегациясининг Ўзбекистонда бўлиши. Тўқимачилик комбинатида.

Суратда: ХХРдан келган меҳмонлар Сталин номидаги Тошкент тў- М. Турсунхўжаев фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон ССР билан Тожикистон ССР ўртасидаги чегарани қисман ўзгартириш тўғрисида

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети мамнуният билан таъкидлайдики, 1959 йил 21 майда Мирзачўл ерларининг бир қисми Ўзбекистон ССРдан Тожикистон ССР составига топширилганлиги ва шу муносабат билан Ўзбекистон ССР ҳамда Тожикистон ССР ўртасидаги давлат чегарасининг қисман ўзгартирилганлиги ва бу тадбирнинг СССР Олий Совети томонидан 1959 йил 30 октябрда тасдиқланганлиги ўзбек ва тожик халқларининг абадий дўстлигини янада мустаҳкамлаш ишига қўшилган катта ҳиссадир.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг бутун тараққиёт тарихи совет халқларининг чинакам қардошларча дўстлигини, уларнинг бир-бирларига доим бегараз ёрдам кўрсатиб келаётганликларини исбот этувчи ёрқин далилдир. Улуғ рус халқи чуқур муҳаббат ва миннатдорчиликка сазовор бўлди. Улуғ рус халқи Совет Иттифоқидаги барча халқларга ҳар томонлама жуда катта ёрдам кўрсатди ва кўрсатмоқда, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келди ва қўллаб-қувватламоқда.

Социалистик давлатимизнинг барча халқлари ягона дўст қардошлик оиласида коммунистик жамиятни тезроқ қуриш учун зарур нарсаларнинг ҳаммасини қилишга интилмоқдалар. Бўстонлиқ райони ва Мирзачўл ерларининг бир қисми Қозоғистон ССРдан Ўзбекистон ССР га топширилганлиги халқларнинг ана шу буюк мақсадга эришиш йўлидаги ҳамкорлигининг ажойиб намунасидир.

50,5 минг гектар ернинг Ўзбекистон ССРдан Тожикистон ССР составига топширилганлиги ўзбек ва тожик халқларининг бузилмас қардошларча дўстлиги мустаҳкамланиб бораётганлигини ифода этувчи янги бир далилдир. Бу дўстлик Улуғ Октябрь социалистик революцияси туфайли вужудга келди ва Коммунистик партиянинг доно миллий сиёсатини оғишмай амалга ошириш натижасида қарор топди. Шу билан бирга, ана шу ерларнинг топширилиши шу нарсани исбот этадики, интернационализм ва социалистик ҳамкорликдан иборат ленинча принципга содиқ бўлган Совет Иттифоқининг барча халқлари каби ўзбек ва тожик халқлари ҳам пахтачиликни ривожлантириш, асрлар бўйи қақраб ётган ерларни ўзлаштириш, ирригация ва гидроэнергетика иншоотларини қуриш, шунингдек хўжалик ва маданий қурилишнинг бошқа соҳаларида биргаликда иш олиб бориш учун ўз куч-ғайратларини доим бирлаштириб келмоқдалар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советига мазкур ерларни Тожикистон ССР составига топшириш билан боғлиқ бўлган ҳамма зарур тадбирларни кўриш топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари И. БАБКОВ.

1959 йил 18 ноябрь,
Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1960 йилги давлат плани тўғрисида

ҚОНУН

Ўзбекистон Совет Социалистик республикасининг Олий Совети қарор қилади:

1. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан тайёрланган Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1960 йилги давлат плани Ўзбекистон ССР Олий Совети Бюджет комиссияси киритган тузатишлар билан маъқуллансин.

2. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1960 йилги давлат плани юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Совети Бюджет комиссиясининг хулосаларида баён қилинган таклиф ва мулоҳазаларни, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлисларида депутатлар томонидан баён қилинган таклиф ва мулоҳазаларни қараб чиқиш ҳамда улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари И. БАБКОВ.

1959 йил 19 ноябрь,
Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР 1958 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ БАЖАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик республикасининг Олий Совети қарор қилади:

Ўзбекистон ССР 1958 йилги Давлат бюджетининг даромадлари бўйича 9.289.553 минг сўм миқдорида ва харажатлари бўйича 9.196.095 минг сўм миқдорида, даромадлари харажатларидан 93.458 минг сўм оширилиб бажарилганлиги тўғрисидаги ҳисобот тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари И. БАБКОВ.

1959 йил 19 ноябрь.
Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг 1960 йилги давлат бюджети тўғрисида

ҚОНУН

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Совети қарор қилади:

1- **модда.** Ўзбекистон ССРнинг Ўзбекистон Министрлар Совети томонидан Бюджет комиссиясининг доклади юзасидан қабул қилинган ўзгартиришлар билан тақдим этилган 1960 йилги Давлат бюджети даромадлар бўйича жами 10311619 минг сўм миқдорида ва харажатлари бўйича жами 10200961 минг сўм миқдорида, даромадлар харажатлардан 110658 минг сўм миқдорида оширилиб тасдиқлансин.

2- модда. Ўзбекистон ССРнинг 1960 йилги Давлат бюджетида давлат ва кооператив корхоналари ва ташкилотларидан олинадиган даромадларнинг умумий суммаси 8320269 минг сўм миқдорида белгилансин.

3- модда. Ўзбекистон ССРнинг 1960 йилги Давлат бюджетида халқ хўжалигини — оғир саноатни, қурилиш индустриясини, енгил ва озиқ-овқат саноатини, қишлоқ хўжалигини, транспорт, турар-жой — коммунал хўжалигини ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантиришни маблағ билан таъминлаш харажатларининг умумий суммаси 4328173 минг сўм миқдорида белгилансин.

4- модда. Ўзбекистон ССРнинг 1960 йилги Давлат бюджетида социал-маданий тадбирларга — умумий таълим мактаблари, техникумлар, олий ўқув юртлари, илмий текшириш муассасалари, фабрика завод таълими мактаблари, кутубхоналар, клублар, театрлар, матбуот, радио эшиттириш учун ва маориф ҳамда маданият соҳасидаги бошқа тадбирларга; касалхоналар, болалар яслари, санаторийлар, соғлиқни сақлаш ҳамда физкультура соҳасидаги бошқа муассасалар; пенсия ҳамда нафақалар учун ажратиладиган маблағларнинг умумий суммаси 5330525 минг сўм белгилансин.

5- модда. Ўзбекистон ССРнинг 1960 йилги Давлат бюджетининг давлат идора органлари эҳтиёжлари учун бўладиган харажатлари 276090 минг сўм миқдорида белгилансин.

6- модда. Ўзбекистон ССРнинг 1960 йилги Республика бюджети даромадлар бўйича 6224825 минг сўм миқдорида ва харажатлар бўйича 6114167 минг сўм миқдорида, даромадлар харажатлардан 110658 минг сўм миқдорида оширилиб тасдиқлансин.

7- модда. Тошкент шаҳри, областлар ва Қорақалпоғистон АССРнинг 1960 йилги бюджетлари умуман 4086794 минг сўм миқдорида тасдиқлансин, шу жумладан (минг сўм ҳисобида):

Тошкент шаҳри	864185
Тошкент области	581682
Фарғона области	407769
Андижон области	305175
Наманган области	248139
Самарқанд области	529209
Бухоро области	269264
Қашқадарё области	221351
Сурхондарё области	195585
Хоразм области	166609
Қорақалпоғистон АССР	297826

8- модда. Умумиттифоқ давлат солиқлари ва даромадларидан Тошкент шаҳри, областлар ва Қорақалпоғистон АССР бюджетларига ажратмалар 1960 йил учун қуйидаги миқдорларда белгилансин:

а) Оборот солиғи тушумларидан: Тошкент шаҳрига 10,7 процент, Тошкент областига 68,2 процент, Фарғона областига 10,2 процент, Андижон областига 15,4 процент, Наманган областига 20,8 процент, Самарқанд областига 15,4 процент, Бухоро областига 9,1 процент, Қашқадарё областига 37,4 процент, Сурхондарё областига 19,8 процент, Хоразм областига 16,0 процент, Қорақалпоғистон АССРга 52,1 процент;

б) колхозлардан олинадиган даромад солиғидан: Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё областларига ва Қорақалпоғистон АССРга 100,0 процент, Фарғона областига 80,0 процент, Наманган областига 70,0 процент, Андижон, Бухоро, Сурхондарё ва Хоразм областларига 60,0 процент;

в) аҳолидан олинадиган даромад солиғидан: Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм областларига ва Қорақалпоғистон АССРга 100,0 процент, Наманган областига 70,0 процент, Фарғона, Андижон ва Самарқанд областларига 60,0 процент, Тошкент областига 50,0 процент, Тошкент шаҳрига 10,0 процент;

г) қишлоқ хўжалиги солиғидан, бўйдоқлардан, СССРнинг ёлғиз ва кам оилали гражданларидан олинадиган солиқдан ҳамда ўрмон даромадидан 100,0 процент.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари И. БАБКОВ.

1959 йил 19 ноябрь.
Тошкент шаҳри.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР САНОАТИ 11 ОЙЛИК ПЛАНИНИ БАЖАРДИ

Тошкент область ва Тошкент шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари партия XXI съезди тарихий қарорларини амалга ошираётиб, КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун мусобақани кенг қизитиб, меҳнатда катта ғалабани қўлга киритдилар.

Тошкент область ва шаҳар саноати ялпи маҳсулот ҳамда айрим муҳим буюмлар ишлаб чиқариш 11 ойлик планини муддатидан анча илгари бажарди.

Саноат корхоналарида етти йилликнинг биринчи йили планини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа кун сайин авж олмоқда. Кўпгина корхоналар йиллик планни муддатидан илгари бажариб, шу кунларда 1960 йил ҳисобидан ишламоқдалар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИ

СЕССИЯ КУНДАЛИГИ

Сессиянинг 18 ноябрь кечки мажлисида ва 19 ноябрь эрталабки мажлисида Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантириш 1960 йилги плани тўғрисидаги, Ўзбекистон ССРнинг 1960 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва Ўзбекистон ССР нинг 1958 йилги Давлат бюджетининг бажарилиши ҳақидаги докладлар юзасидан музокаралар давом қилди.

Депутат **А. Азимов** Самарқанд областининг саноати маҳсулот ишлаб чиқариш, маҳсулотнинг таннархини камайтириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан белгиланган топшириқларни муваффақиятли бажараётганлигини айтди. Самарқанд пахтакорлари меҳнатда катта ғалаба қозониб, ўз социалистик мажбуриятларини бажардилар.

Депутат **П. М. Сазонов** саноатнинг ички ресурсларидан фойдаланиш масалаларига тўхталиб ўтди. Қилинган ҳисоблар шуни кўрсатадики, ишлаб чиқаришдаги ҳамма резервларни ишга солиш Тошкент саноатига яқин маҳсулот ишлаб чиқаришни камида саккиз процент кўпайтиришга, меҳнат унумдорлигини камида олти процент оширишга имкон беради.

Депутат **К. Камолов** ўз нутқида қорақалпоқ халқининг анча муваффақиятларга эришганлиги тўғрисида гапирди. 1960 йилда автоном республика экономикаси ва маданияти янада ривож топади.

Депутат **Х. Зубайдуллаева** ўз нутқида айрим министрликлар ва бошқармаларнинг ишидаги камчиликларни танқид қилди. У, материал-техника билан ўз вақтида таъминланмаганлик Қашқадарё области халқ хўжалигининг ривожланишига халақит бераётганлигини айтди.

Депутат **А. Султонхўжаев** сессия қатнашчиларини Фарғона иқтисодий райони корхоналарида ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаш соҳасида олиб борилаётган ишлар билан таништирди.

Депутат **С. Курбонов** колхозчи деҳқонлар ўртасида меҳнат ғайрати ғоят ўсганлиги ҳақида гапирди. У, Бухоро область, Қоракўл районидаги «Октябрь» колхози ҳаёти мисолида партия ва ҳукумат томонидан колхоз тузумини мустаҳкамлаш соҳасида кейинги йилларда амалга оширилган тадбирлар пахта ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин суратда кўпайтиришга, колхозчилар оммаси фаровонлигининг тобора юксалишини таъминлашга имкон берганлигини кўрсатди.

Депутат **В. А. Билбас** ўз нутқида ҳозирги вақтда сув хўжалиги ходимларининг асосий эътибори капитал қурилиш планини бажаришга, 1960 йилда экин экиш учун янги майдонларни тайёрлашга қаратилганлигини таъкидлади.

Пахта териш техникасидан фойдаланиш йўлида олға томон катта қадам қўйилганлиги, деди депутат **Х. Ҳожибеков**, бу йил пахтачиликнинг муҳим хусусияти бўлди. Андижон областининг Марҳамат районида бу йил 34 трактор-далачилик бригадаси ташкил этилди. Уларнинг иши пахта етиштиришда меҳнат сарфлашни кескин суратда камайтиришга ёрдам берди.

Фарғона областидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозининг тракторда-лачилик бригадаси бошлиғи депутат **К. Кенжаев** бу бригада пахта етиштиришни кўпайтириш юзасидан ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятини бажарганлигини сессияга маълум қилди. Бригада териб олган 245 тонна пахтанинг 187 тоннаси машинада терилди. Ўртоқ Кенжаевнинг ўзи 150 тонна пахтани машинада терган.

Депутат **Х. Р. Мусахонова** Тошкент области халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари анча ривожланганлигини кўрсатувчи рақамларни келтириб, сув хўжалиги қурилиши, йўл ишлари, умумий таълим мактаблари тармоқларини кенгайтиришга доир бир қанча масалаларни илгари сурди.

Депутат **М. Раҳмонов** ўз нутқида айтдики. Хоразм колхозлари бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳам анча кўпайтирилди. 1965 йилги марраларга етиб олиш учун сув хўжалиги соҳасида катта тадбирларни амалга ошириш талаб қилинади. Нотиқ республика Сув хўжалиги министрлигининг эътиборини Амударёнинг қуйи-қисмларида сув хўжалиги қурилишига доир кечиктириб бўлмайдиган масалаларни ҳал қилиш зарурлигига қаратди.

Депутат **Р. С. Соатовнинг** нутқида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ишларининг ривожланишини кўрсатувчи ёрқин мисоллар келтирилди. У, 1960 йилда соғлиқни сақлаш тадбирлари учун ажратиладиган маблағлар 100 миллион сўмдан зиёд кўпайтирилишини айтиб, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари соғлиқни сақлаш органларига катта ёрдам беришлари зарурлигини таъкидлади.

Сессияда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси депутат **О. А. Алимов** нутқ сўзлади.

Сессия Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантириш 1960 йилги плани тўғрисидаги Қонунни ва Ўзбекистон ССРнинг 1960 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунни қабул қилгандан кейин, навбатдаги масалани — Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатини чақириб олиш тартиби тўғрисида Қонун лойиҳаси ҳақидаги масалани қараб чиқишга киришди. Бу масала юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Совети Қонун лойиҳалари комиссиясининг раиси депутат **О. М. Маҳмудов** доклад қилди.

Депутатлар **Х. С. Сулаймонова, К. Асилбеков, К. Б. Гайкович, Н. Ҳамронулов, Д. Сейтиков** ўз нутқларида сессия муҳокамасига киритилган Қонун лойиҳасини қизғин маъқуллладилар.

Сессия Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатини чақириб олиш тартиби ҳақидаги Қонунни якдиллик билан қабул қилди.

Ўзбекистон ССРда табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида депутат **Н. Д. Худойбердиев** доклад қилди. Докладчи табиатни муҳофаза қилиш бошқарма иши эмас, балки умумдавлат, умумхалқ ишидир, деб таъкидлади. Сессия муҳокамасига киритилаётган Қонун ана шу мақсадни кўзда тутади. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш Бош бошқармасининг бошлиғи **М. И. Исамуҳамедов**, депутатлар **К. З. Зокиров** ва **Т. Самиева** ўз нутқларида бу Қонунни қабул қилиш ҳақидаги таклифни қувватладилар. Олий Совет Қонунни бир овоздан тасдиқлади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми секретари **И. В. Бабковнинг** доклади юзасидан сессия иккинчи ва учинчи сессиялар ўртасида қабул қилинган Фармонларни тасдиқлади.

Сессиянинг охирги мажлисида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов** нутқ сўзлади. У, узоқ давомли, гулдурос қарсаклар остида республиканинг 1959 йилда пахта етиштириш юзасидан ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятини бажарганлиги муносабати билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Ўзбекистон КП Марказий Комитетига ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советига юборган табригини ўқиб эшиттирди.

Шу билан Ўзбекистон ССР Олий Советининг учинчи сессияси ўз ишини тамомлади. (ЎзТАГ).

Гвинея Республикасининг Президенти ва ҳукумати Раиси Секу Туренинг Москвада бўлиши

Москвада меҳмон бўлиб турган Гвинея Республикасининг Президенти ва Ҳукумати Раиси Секу Туре 20 ноябрь эрталаб Кремлда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов ва СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Ф. Р. Козлов ҳузурида бўлди.

Визитлар вақтида суҳбатлар бўлиб, улар дўстона ва самимий вазиятда ўтди.

Шундан кейин Гвинея Давлатининг бошлиғи Кремлда Совет ҳукуматининг аъзолари билан учрашди.

Учрашувда Совет ҳукумати томонидан СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Ф. Р. Козлов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва СССР Госпланининг Раиси А. Н. Косигин, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико қатнашдилар.

Гвинея томонидан Гвинея давлатининг бошлиғи билан биргаликда Миллат мажлисининг раиси Сайфулай Диалло, Ички ишлар ва хавфсизлик Министри Кейта Фодеба, Гвинея Республикасининг СССРдаги элчиси Ги Конте бор эдилар.

Учрашув вақтида ҳар иккала томонни қизиқтирадиган муҳим халқаро масалалар юзасидан самимий ва дўстона фикр олишилди.

СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати Катта Кремль Саройида Гвинея Республикасининг Президенти ва ҳукумати Раиси шарафига зиёфат бердилар.

Зиёфатда президент билан биргаликда унинг рафиқаси Секу Туре хоним ва унинг ҳамроҳлари бор эдилар.

Совет томонидан К. Е. Ворошилов, Н. Г. Игнатов, Ф. Р. Козлов, П. А. Муҳитдинов, М. А. Суслов, Е. А. Фурцева, А. Н. Косигин, СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе, СССР министрлари ва бошқа расмий шахслар ҳозир бўлдилар.

Самимий вазиятда ўтган зиёфат вақтида СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов ва Гвинея давлатининг бошлиғи Секу Туре нутқ сўзладилар.

Тушдан кейин гвинеялик меҳмонлар Кремлнинг тарихий ёдгорликлари билан танишдилар. (ТАСС).

Тожикистон делегациясининг раҳбари, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Т. Ў. ЎЛЖАБОЕВ нутқидан

Қадрли Тожикистон республикаси делегациясининг раҳбари, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Т. Ў. Ўлжабоев**га сўз берилади. Сессия қатнашчиларининг қарсаклари остида у, Тожикистон ССР Олий Совети Президиуми, Министрлар Совети ва Тожикистон КП Марказий Комитети номидан депутатларга ва улар орқали Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларига ва уларнинг илғор отряди — Ўзбекистон Коммунистик партиясига қардошлик саломини ҳамда экономика ва маданиятни юксалтиришда янгидан-янги муваффақиятларга эришиш йўлида энг яхши тилакларни топширади.

Ўртоқ Ўлжабоев айтадики, Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси ғоят муҳим масалани муҳокама қилмоқда. Мирзачўлдаги 50,5 минг гектар ернинг Ўзбекистондан Тожикистон составига топширилиши Совет Иттифоқи халқлари монолит дўстлигининг ёрқин далили бўлган тарихий воқеадир.

Икки қардош халқни — тожиклар ва ўзбекларни яқин ва самимий дўстлик бир-бири билан боғлайди. Социалистик тузум шароитида бу дўстлик енгилмас қудратли куч бўлиб ривожланди. Совет Иттифоқидаги қардош социалистик миллатлар пролетар интернационализмининг буюк ленинча принципларига садоқатли бўлиб, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришда, экономика ва маданиятни юксалтиришда, коммунистик қурилишдан иборат шонли тарихий ишда ҳар бир совет республикаси олдида турган ҳамма вазифаларни бажаришда бир-бирларига бегараз ўзаро ёрдамлашиб келмоқдалар.

Ўзбекистон ва Тожикистон пахтакорларининг социалистик мусобақаси кўп миллатли Ватанимиз халқлари ўртасида кун сайин мустаҳкамланиб бораётган улуғ дўстликнинг ёрқин далили бўла олади. Бу мусобақа пахта етиштиришни кўпайтиришда бизнинг халқларимизга ҳамиша катта фойда бериб келди, бу йил эса у ажойиб ғалабага олиб келди.

Республикаларимизнинг равнақи, уларнинг хўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги муваффақиятлари — партиямиз Марказий Комитетининг, улуғ Ленининнинг содиқ ва изчил шогирди, Коммунистик партиянинг, Совет давлатининг ҳамда бутун халқаро Коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби Ўртоқ Н. С. Хрушчев бошлиқ КПСС Марказий Комитети Президумининг самарали фаолияти натижасидир.

Барча миллатлар ва халқларнинг коммунизм йўлида ҳар томонлама тараққиёти учун кенг имкониятлар таъминлаб берган ленинча миллий сиёсат ёрқин ифодасини топган етти йиллик планни бажариш учун кураш кенг авж олдирилган ҳозирги кунда Ўзбек ва тожик халқлари олдида янги, янада улуғвор истиқболлар очилмоқда.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарлигида тожик ва Ўзбек халқлари мамлакатимиздаги барча халқлар билан биргаликда, кўп миллатли ягона қардошлик оиласида бундан буён ҳам ёнма-ён туриб, партия XXI съездининг ва КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг тарихий қарорларини амалга ошириш йўлида, севикли социалистик Ватанимизни янада яшнатиш ва унинг куч-қудратини ошириш йўлида фидокорона меҳнат қиладилар.

Мирзачўлдаги ерлардан бир қисмининг Тожикистон ССРга ўтказилиши тожик ва Ўзбек халқларининг зарур манфаатларига ҳамда Ватанимизнинг умумдавлат манфаатларига жавоб беради. Бу олижаноб ва ҳиматли иш халқларимиз ўртасидаги бузилмас дўстликнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Тожик халқи Мирзачўл ерларини ўзлаштиришда қатнашишни ўзи учун катта шараф деб билади. Биз, қардош Ўзбек халқи билан биргаликда ҳозирдаёқ Мирзачўлга ҳужум қилаётганлигимиз ва бу соҳада маълум муваффақиятларга эришганлигимиз билан фахрланамиз. Ўзбекистон ССР составидан бизга ўтказилган Мирзачўл ерларида янги пахтачилик райони вужудга келди. Баланд тоғли Матчо районидан шу ерларга кўчиб келган колхозчилар пахта етиштириш маҳоратини тез вақт ичида эгаллаб олдилар ва бу қимматли техника ҳомашёси етиштиришни йил сайин кўпайтирмоқдалар. Улар уч йил ичида давлатга Мирзачўл ерларидан 30 минг тоннадан ортиқ пахта бердилар. Ўз даромадларини 1956 йилдаги 4,7 миллион сўмдан бу йил 55 миллион сўмгача кўпайтирдилар.

Тожикистон меҳнаткашлари бизга ўтказилаётган ерларни тезроқ ўзлаштириш учун ва Мирзачўлнинг янги ўзлаштириладиган ерларидан келгуси йилдаёқ тожик пахтаси бериш учун ўз кучлари ва маблағларини аямайдилар.

Ўртоқ Ўлжабоев ўз сўзини тамомлаб, сессия қатнашчиларининг давомли қарсаклари остида совет халқларининг бузилмас дўстлиги шарафига, коммунизм куриш учун курашда совет халқининг буюк иҳтиёҳи раҳбар кучи — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси шарафига табрик хитобларини айтди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси ўртоқ О. А. АЛИМОВ нутқидан

Депутат ўртоқлар! Совет халқи Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети етакчилигида партия XXI съездининг ва КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг тарихий қарорларини муваффақият билан амалга оширмоқда, саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда, халқ фаровонлиги ва маданиятини юксалтиришда янгидан-янги катта ғалабаларга эришмоқда.

СССР Олий Советининг октябрь ойи охирига бўлиб ўтган учинчи сессияси етти йилликнинг биринчи йили планини бажариш учун кураш натижаларини якунлади. Бу якунлар ҳар бир совет кишисида, дунёдаги барча софдил кишилар қалбида фахрланиш ҳиссини уйғотади. Бу муваффақиятлар Совет Иттифоқининг халқаро майдондаги обрўсини янада юқори кўтарди.

Ўртоқ Алимов Н. С. Хрушчевнинг сессияда қилган докладини ва СССР Олий Советининг барча мамлакатлар парламентларига Мурожаатини совет халқи ва бутун дунёдаги миллионлаб яхши ниятли кишиларнинг ғоят баланд руҳ билан кутиб олганликлари ҳақида гапирди.

Ўртоқ Алимов ўз нутқида Ўзбекистон меҳнаткашларининг етти йиллиқнинг биринчи йилида эришган катта муваффақиятларига тўхталади. Республика саноати ўн бир ойлик планни муддатидан илгари бажарди. Қурилиш индустрияси базасини вужудга келтириш соҳасида анча ишлар қилинди. Бу йил капитал қурилиши яхши амалга оширилмоқда. Темирйўлчилар ва автомобиль транспортининг ходимлари ҳам яхши меҳнат қилдилар.

Республиканинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари астойдил ишлаб, партия ташкилотларининг раҳбарлиги остида пахтачиликни ривожлантиришда катта ютуқларга эришдилар. Давлатга 3 миллион 50 минг тонна пахта сотилди, шу жумладан пахтанинг қарийб 90 проценти биринчи сортларга қабул қилинди. Республикамиз ҳеч қачон бу қадар кўп ва бу қадар юқори сифатли пахта тайёрламаган эди.

Бу йил пахтачиликда янги, прогрессив агротехника ғалаба қилган йил бўлди. Республика механизаторлари ҳам пахтани машинада териш юзасидан олган мажбуриятларини шараф билан тўла ва ошириб бажардилар. Машина билан 330 минг тонна пахта терib олинди. Конструкторларимизнинг қилган катта ишларини қайд қилиб ўтиш керак. Улар машинасозлик заводларининг коллективлари билан биргаликда пахтачиликни комплекс механизациялаш учун янги машиналар яратишда муҳим қадам қўйдилар.

КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини чақириш тўғрисидаги ахборотни совет халқи баланд руҳ билан кутиб олди. Марказий Комитет Пленумини муносиб кутиб олиш учун курашиб, етиштирилган бутун пахта ҳосилини яқин кунларда батамом йиғиб-териб олиш, янги қишлоқ хўжалик мавсумига намунали тайёргарлик кўриш ишларини кучайтириб бориш керак. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленуми 1960 йилда камида 3.100 минг тонна пахта етиштириш, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кескин даражада кўпайтириш вазифасини қўйди. Бу вазифаларни бажармоқ учун деҳқончилик маданиятини ҳар тарафлама ошириш, комплекс механизацияни жорий қилиш керак. Ҳеч шубҳа йўққи, республика қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ўз олдиларида турган катта вазифаларни шараф билан бажарадилар.

Етти йилликнинг биринчи йили совет халқининг моддий фаровонлиги янада ошганлиги билан нишонланди. Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш кўпайди, меҳнаткашларнинг маданий-маиший ихтиёжлари учун давлат томонидан қилинадиган харажатлар анча ошди, етти соатлик иш кунига, бир қанча соҳаларда эса, олти соатлик иш кунига ўтиш амалга оширилмоқда. Халқ маорифи, маданият ва соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам кўп ишлар қилинмоқда. Республикада фан янада ривожланди.

Биз, деб давом қилади Ўртоқ Алимов, 1960 йилги планни муҳокама қилар эканмиз, иш натижаларига танқидий назардан баҳо беришимиз, ҳали мавжуд бўлган жиддий камчиликларни очиб ташлашимиз, резерв ва имкониятларни аниқлаб, улардан республика халқ хўжалигининг барча тармоқларини янада тез ривожлантириш учун фойдаланишимиз лозим. 1960 йилда бизда битта ҳам қолоқ участка бўлмаслиги учун кескин чоралар кўриш керак. Халқ хўжалигининг ғоят катта резервлари худди ана шундадир.

Ўртоқ Алимов айрим корхоналарнинг ишидаги техника-иқтисодий кўрсаткичларни батафсил анализ қилиб, ишлаб чиқариш қувватларидан қониқарсиз фойдаланиш, хомашё ва материалларни тежаб-тергаб сарф қилмаслик ҳолларини кўрсатувчи фактларни келтиради.

У айтадики, халқ хўжалиги кенгашлари кўпинча ўзларига қарашли корхоналарнинг заҳарини планда ошириб кўрсатишга йўл қўймоқдалар. Молия органлари ва банклар халқ хўжалигидаги ички резервларни аниқлаш, моддий ресурслар ва пул маблағларининг тўғри ва тежаб-тергаб сарфланиши устидан контролни кучайтиришлари керак.

1960 йил планининг муваффақиятли бажарилиши планда кўзда тутилган ғоят катта капитал маблағлардан қанчалик самарали фойдаланилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Пленуми республикада капитал қурилишнинг аҳволи тўғрисидаги масалани муҳокама қилди ва капитал қурилишини тубдан яхшилаш тадбирларини белгилади. 1960 йилда капитал маблағ сарфлаш ҳажми бу йилгидан 24 процент ортади. Ана шу ғоят кўп миқдордаги маблағдан оқилона, хўжалик нуқтаи назаридан фойдаланиш талаб этилади.

Ўртоқ Алимов нутқида ўрнатилмаган ускуналарнинг запасларини кескин даражада камайтириш билан боғлиқ бўлган масалалар катта ўрин олди. Халқ хўжалиги кенгашлари, стройбанк ва Госплан ходимлари ана шу муҳим иш устидан контролни кучайтиришлари зарур.

Партия ва ҳукумат сўнгги вақт ичида маъмурий-бошқарув аппаратининг структурасини соддалаштириш, уларнинг сонини қисқартириш ва арзонлаштириш соҳасида катта тадбирларни амалга оширдилар. Бизнинг республикада ҳам бу соҳада анча ишлар қилинди. Лекин, давлат бошқармалари органларининг ҳаражатлари ҳали ҳам каттадир. Маъмурий-бошқарув аппаратининг структурасини янада соддалаштириш ва уларнинг сонини қисқартириш, ускуналар ва асбоблар сотиб олиш учун бўладиган харажатларни камайтириш, канцелярия, почта-телеграф ва бошқа хўжалик харажатларини камайтириш билан астойдил шуғулланиш керак.

Партия ва ҳукумат сўнгги йиллар ичида маҳаллий Советларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш ва уларнинг халқ хўжалигини ривожлантириш учун масъулиятларини ошириш соҳасида катта тадбирларни амалга оширдилар. Хўжалик ва маданий қурилишда маҳаллий совет органларининг ролини бундан буён ҳам ошириш керак. Совет ва хўжалик ходимларининг ўзларига топширилган иш учун масъулиятларини ҳар тарафлама ошириш, уларни давлат интизомига қатъий риоя қилиш, нуқсонларга нисбатан шафқатсиз бўлиш руҳида тарбиялаш лозим. Давлат манфаатларини бузиш, маҳаллийчилик кўринишлари фактлари билан муросасиз бўлмаслик керак.

Депутатлар 1960 йилги халқ хўжалик плани ва Давлат бюджетини муҳокама қилиш вақтида сессияда сўзлаган ўз нутқларида халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган бир қанча муҳим масалаларни қўйдилар, кимматли таклифлар киритдилар. Шу билан бирга республика Госплани, Молия министрлиги, бир қанча министрликлар ва бошқармалар адресига нисбатан танқидий мулоҳазалар айтилди. Министрлар Совети 1960 йилги план ва бюджет ҳақида депутатлар томонидан қилинган илтимос ва мулоҳазаларни кўриб чиқади ҳамда тегишли қарорлар қабул қилади.

Ўртоқ Алимов ўз нутқининг охирида бундай дейди:

— Етти йилликнинг иккинчи йилида республика олдида ғоят катта ва масъулиятли иқтисодий-сиёсий вазифалар турибди. Уларни амалга оширмоқ учун зўр бериб меҳнат қилиш ва катта ташкилотчилик ишлари олиб бориш талаб этилади. Ўзбекистон ССР Олий Советининг шу сессияси номидан партиямиз Марказий Комитетини, унинг Президиумини ва шахсан Ўртоқ Н. С. Хрушчевни партия ленинчи Марказий Комитети ва Совет ҳукумати теварагига маҳкам жипслашган Ўзбекистон меҳнаткашлари етти йилликнинг иккинчи йили — 1960 йилда республика олдида турган катта вазифаларни тўла ва ошириб бажариш учун ҳамма ишларни қиладилар ва шу билан мамлакатимизда коммунизм қурилиши ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар, деб ишонтириб айтишга ижозат бергайсиз. (Қарсаклар).

ҚАРДОШ АДАБИЁТЛАР ДЎСТЛИГИ БАЙРАМИ

Қардош ёзувчилар республикамизга меҳмон бўлиб келдилар

Ҳозир республикада ўтказилаётган қардош адабиётлар кечалари Ўзбек халқининг кўп миллатли Ватанимиздаги бошқа халқлар билан дўстлигининг ёрқин намойишига айланди. Ўзбек адибларининг яқинда Тожикистонга қилган сафарига жавобан меҳмон бўлиб келган тожик ёзувчилари делегациясини Ўзбекистон меҳнаткашлари ғоят самимият билан кутиб олдилар.

21 ноябрда Тошкентда, Алишер Навоий номли опера ва балет театрида тожик адабиёти ҳафтаси бошланишига бағишланган кеча тантанали вазиятда очилди. Бу кечага адабиёт ва санъат арбоблари билан бирга саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши илғорлари, фан ходимлари, студентлар ва мактаб ўқувчилари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, Шанхай шаҳар партия комитетининг секретари Лю Шу-чжоу бошчилигида ҳозир Тошкентда бўлган Хитой-Совет дўстлиги жамияти делегациясининг аъзолари ҳам келдилар.

Президиумда М. А. Абдураззоқов, Г. А. Габриельянц, Е. С. Насриддинова, З. Р. Раҳимбобоева, Ф. Е. Титов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ф. Х. Хўжаев, Узсовпроф раиси С. Н. Нуриддинов, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Иброҳимов ўтирибдилар.

Президиум столи ёнида кўзга кўринган ўзбек ёзувчилари Ойбек, Ғафур Ғулом, Яшин, Уйғун, Зулфия, Сергей Бородин. Асқад Мухтор, Ҳамид Ғулом, Александр Удалов ва бошқалар бор.

Ўзбекистон Ёзувчилари союзи правлениесининг биринчи секретари К. Яшин ўзининг кириш сўзида тожик адибларининг Ўзбекистонга қувончли кунларда, республика давлатга пахта топшириш юзасидан олган социалистик мажбуриятининг бажарилганлигини бир вақтда келганлигини айтиб ўтди. КПСС XXI съездининг тарихий қарорларидан руҳланган Ўзбекистон меҳнаткашлари коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида ажойиб муваффақиятларга эришмоқдалар. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг «Адабиёт ва санъатнинг халқ ҳаёти билан алоқасини мустаҳкамлайлик» деган тарихий нутқида ва бошқа партия ҳужжатларида илгари сурилган ғоят катта ва фахрли вазифаларни ҳал этаётган ўзбек адабиёти самарали равишда ривожланиб бормоқда.

Совет ёзувчилари учун асосий илҳомбахш манбалардан бири мамлакатимиз халқларининг дўстлигидир. Яқинда Ўзбекистон составидан 50 минг гектар ернинг қардош Тожикистонга ўтказилишида яна ўз ифодасини топган бу бегараз дўстлик йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда.

Ўзбек ва тожик адабиёти икки социалистик миллат ҳамкорлигининг кўпгина наъмуналарини берди. Бу адабиётлар совет маданиятини ривожлантиришнинг актуал проблемаларини биргаликда ҳал қилмоқдалар. Тожик совет адабиётининг асосчиси Садриддин Айнийнинг ҳаққоний равишда ўзбек адабиётининг энг йирик намояндаси деб айтадилар. Унинг асарлари кўпгина ўзбек ёзувчиларининг ижодига катта таъсир кўрсатди. Машҳур тожик шоири Мирза Турсунзоданинг ҳамда тожик адабиётининг кўпгина бошқа талантли намояндаларининг ижодиёти ёш ўзбек адибларини тарбиялашда озмунча роль ўйнамади. Тожик ёзувчиларининг Ўзбекистонда бопланган ҳафталиги икки қардош адабиёт ўртасидаги ижодий алоқаларни янада мустаҳкамлайди.

Тожик ёзувчилари делегациясининг бошлиги машҳур драматург ва адабиётшунос, Тожикистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси Сотим Улуғзода ҳаяжонли нутқ сўзлади. У, Тожикистонда ўзбек ёзувчиларининг асарлари ғоят зўр эътибор қозонганлиги тўғрисида, совет китхонларининг меҳнат қаҳрамонликларини акс эттиришда тожик адибларининг Ўзбекистон ёзувчиларининг энг яхши ютуқларини ўзлаштиришга интилаётганликлари тўғрисида гапирди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги шоир Ғафур Ғулом тожик ёзувчиларига уларнинг ўз она тилида табрик сўзлари билан мурожаат қилди. Шундан кейин у, азиз меҳмонларнинг келиши муносабати билан ёзилган, совет халқларининг буюк дўстлигини куйлайдиган шеърини ўқиб берди. Шоира Зулфия тожикистонлик қаламкаш ўртоқларига поэтик завқ билан мурожаат қилди. Ўзбекистоннинг энг кекса ёзувчиси Сергей Бородин ўзбек ва тожик адабиётларининг бир-бири билан чамбарчас боғланганлиги тўғрисида сўзлаб берди.

Машҳур тожик шоирлари Боқи Раҳимзода, Ғаффор Мирзоев, Файзулла Ансорий, Толис Пўлатов ва Аширмат Назаров тўпланган кишиларни ўз асарлари билан таништирдилар. Шоирлардан Рамз Бобожон, Шуҳрат, Туроб Тўла, Ўзбекистон ССР халқ артисти Раззоқ Ҳамроев ва бадиий сўз устаси Убай Бурҳон Тожикистон шоирларининг ўзбек тилига таржима этилган шеърларини ўқиб бердилар.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Ҳамид Ғулом машҳур тожик шоири Мирзо Турсунзода томонидан Тошкентга юборилган табрик телеграммасини ўқиб эшиттирди. Меҳмонларга Мирзо Турсунзоданинг Ўзбек тилига таржима этилган шеърлари босилган китоблар тақдим этилди. Тожикистон адиблари ўзларининг ўзбек дўстларига Ўзбекистон ёзувчиларининг тожик тилига таржима этилган китобларини совға қилдилар.

Тошкент пионерлари меҳмонларни шеър ўқиб табрикладилар.

Кеча охирида Ўзбекистон ва Тожикистон санъат усталари кучлари билан катта концерт берилди. Кеча қатнашчилари тожик хотин-қиз рубобчилар ансамблини самимий кутиб олдилар.

ЧЕВАР ҚИЗ-

Кифоятхон ўтган йили ўрта мактабни тугатибоқ Тошкентдаги Сталин номли артелнинг попон цехига шогирдликка ишга кирган эди. У меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги натижасида орадан кўп ўтмай мастерлик даражасига кўтарилди. Кифоят Зокирова тикиб бераётган гулкўрпа, чойшаб, сўзана, палак ва бошқалар доимо юқори сортга қабул қилинмоқда. У шу кунларда кундалик смена топшириқларини 250—260 процентга етказиб адо этиши билан ҳамкасбларига ўрнак бўлаётир. Суратда: К. Зокирова гул тикмоқда.

Н. Муҳаммаджонов ва Б. Пўлатов фотоси.

ТОЖИКИСТОН АДАБИЁТИ ҲАФТАЛИГИ

Адабиёт саҳифаси

Т И Ш

Боқи РАҲИМЗОДА

Бир қиё боқдингу кулдингу кетдинг,
Балки, бир айб менда кўрдингу кетдинг?
Аччиқ ғазаб кўрдим табассумингда,
Гумон қилдим хафа бўлдингу кетдинг.
Ўша кеч тун бўйи хаёлим қочди,
Айб не деб, дилга олов туташди.
Едимда: докторга боргин, деганинг,
Бажонидил қилдим сенинг деганинг,
Бошин чайқаб деди доктор: «Ўтиринг!»
Қўйди анбурини тишимга манинг,
Тишимдан ўзга йўқ айбим азизим,
Дилда сен, сўзлайман ўзимга-ўзим.
Сенинг меҳринг — менинг қалбимда пинҳон,
Демак, ёшликдан ҳам ёш — мендаги қон,
Башарти, қолмасин оғзимда бир тиш,
Сенинг мендан жудо бўлишинг гумон.

Бу сўзим ёдингда бўлсин, э дилдор.
Кексанинг бўсаси бермайди озор.
Давримиз биз учун меҳрибон, ғамхўр,
Бир дарднинг неча хил давоси тайёр.
Менга ҳамроҳ бўлиб, юр, ўзинг кўргин.
Ҳар кўчада ўнлаб тиш доктори бор.
Бораман эртага, кут, кўзи снёҳ,
Бораман ёш бўлиб ва тишим тилло.
Шоядки, бир илиқ кулгингни кўрсам,
Бир дам висолингга тўйиб ўтирсам,
Сен ғазаб этмасанг, лутф этсанг фақат,
Мен фақат соҳибий эҳсонинг бўлсам.
Оят ичай вафоли сенга йўлдошман,
Ўзинг кўргин, ахир, мен ёшман, ёшман!

Тожикчадан М. БОБОЕВ таржимаси.

Қ Ў Л Л А Р

Ғаффор МИРЗО.

Элтганингда қўлни ғўза шохига,
Шунда чаман Ҳисоримиз, гул води
Туйилар кенг, сўнгги йўқдай ҳудуди,
Дилга келар қўли гул дўстлар ёди.
Бу вақт Ҳисор водисидек водида
Худди биздек олтин терган пахтакор
Фарғонанинг чечан, барно қизларин
Кўз олдингга келтирасан азиз ёр.
Ипни тортсанг, шунда кўзинг олдида
Пайдо бўлар йигирувчи дастгоҳи,
Ҳам кўринар унда, дастгоҳ ёнида
Урчиқларни бошқарган қиз нигоҳи.
Етиб қолган огир ғўза шохини
Ердан олиб тиклаб қўйсанг шу замон,
Сават тутиб, бошда похол кулоҳи,
Атрофида яшнаб кўкчой барг, шохи,
Бўлар Абхаз чойкорлари намоён.

Узоқдаги сингилларинг қўллари
Чой баргини парваришлаб, авайлар,
Унинг алвон оҳарлик, гул кўйлаги
Лола каби тонгда яшнаб, товланар.
Сен эрталаб ичкан чойнинг барглари
Бултур у қиз қўлларида терилган.
Ерингдаги ҳосилингдан кўйлаги,
Парваришлаб, териб, хирмон этилган.
Бу Ватаннинг шаҳар, қишлоқ, ерлари
Яна бўлар қайта-қайта намоён.
Бу азамат элнинг ҳамма жойида
Қўллар буюк ишлар қилар, топиб шон.
Ҳамма ерда биргалашиб бу қўллар
Ягона ўй бўлиб ҳамма кишига,
Қалбимизнинг кўри билан интилар
Фақат бир иш — коммунизм ишига.

Тожикчадан Назармат таржимаси.

Б А Ҳ О Р А И Ё М И

Файзулло АНСОРИЙ

Баҳор айёми, тонг балқирди чандон,
Кўз ўнгимда юзинг бўлди намоён.
Хато деб солмагин кўнглимга ғашлик,
Лабинг ҳар ғунчада айларди хандон,
Баҳор айёми, дарё жўш урарди,
Чаманлин ер-кўк хўп гуркирарди.
Сенинг меҳринг, сенинг ишқинг мисоли
Мени оғушига қўймай, сўрарди.
Баҳор айёми, ҳар бир ғунча заррин,
Кўзим ой нурига бойларди нурин.
Тамоми сен, тамоми сен эдинг у,
Дилим тарк этди ёдингдан ҳузурин.
Баҳор айёми, кўп дилдор айём,
Гўзаллар таъбига хушнуд илҳом!
Нурафшон бир фасл, тоғ жилғалардан
Жаранглар жўш уриб куйлар зилу-бом!
Мен ҳам шу чашмалардек йўлга тушдим,
Валекин қисқа йўл ахтардим, учдим.
Азиз номингга нома йўллайин деб,

Дилимда борини ёзмоққа тушдим.
Табиий, нома беҳуда эмас-ди,
Жавобн мухтасар гап бўлди рости:
«Тушингни сувга айтгил» деб ёзибсан,
Ўзи ошифта шундай дейди асти!
«Бу эрта бўлмагай мушкул, муаммо,
Мурод этингни, албат бўлғуси жо
Дедим дилдорга:— албатта боргум,
Дилим журъат этолмай доғда аммо».
Изингни тўтиё қилдим кўзимга,
Ўзингни саждагоҳ билдим ўзимга,
Дилимнинг оташи юмшатди қалбинг,
Ва қўйдим ой юзингни мен юзимга.
Баҳор айёми, наврўз, дилдар обод,
Гўзаллар таъби хушнуд, бетараф шод.
Вафодорсан, вафодорман вафога,
Азизим, мен вафодорман умрбод!

Тожикчадан Туроб ТЎЛА таржимаси.

БАЙРАМ КЕЛДИ

Байрам келди, азизим, келди байрам,
Қуёш қўйнимда гўё, завқ сурармен.
Азиз меҳмонларим йўлини пойлаб,
Гўзал дарёча олдида турармен.
Ушал дарёчадир бу, сен билан мен
Кўришганмиз мудом қиргоқларида.
Тамоша айлашиб ўйноқи мавжин
Беришганмиз кўнгил ёшлик чоғида.
Мана, дўстлар келишди, жойинг аммо —
Бу навбат холи қолди, меҳрибоним.
Шаҳарга меҳмон бўлиб кетдинг бу йил
Кўп илғорлар қатори жонажоним.
Юриб турган одамлар мавжи бирлан

Шаҳар кўчалари бўлгуси дарё.
Шу шўх мавж-ла ўтиб минбар ёнида
Роса қарсакни чаларсен, дилрабо.
Радиони қўйиб қишлоқда, чалган —
Сенинг қарсагингни пайқайман илдам,
Радиони қувончдан янратарман
Жаранглар акс садодан тоғу тош ҳам.
Байрам келди, азизим, келди байрам,
Қуёш қўйнимда гўё, завқ сурар мен.
Сени табрик этиб, гўёки жоним
Гўзал дарёча олдида турармен.

Усмон УМАРОВ таржимаси.

ЛЕНИН ЯРАТГАН ОФТОБ

М. ФАРҲАТ.

Ақлу идрок билан айлаб имтиҳон,
Одамзоднинг қадрини қилди аён.
Зафар учун қиймат билиб ҳар бир он,
Улуғ Ленин келтирди бу иқлилоб!
Зулмга қарши Ленин аланга сочди,
Зулмат қасри кул бўлдию дев қочди.
Бизлар учун Ватан бўлди гулистон,
Янги замон берди билим, ҳам китоб.
Партиямиз бошимизни силади,

Ватан берди, бу — жаҳонга арзийди,
Қудратимиз, ҳам илму-фандир мангу,
Бахт тонгида Ленин яратди офтоб.
Кўзимизнинг нури, бахтимиз қадар,
Халқимиз бирлигидир муътабар.
Шу асосда яйраб, яшнар ҳалойиқ,
Ленин йўли бахт келтирди беҳисоб

Тожикчадан М. ВАСФИЙ таржимаси.

АШИРМАТ

„ПИЁЗИЙ“ ПИЁЗ

I

Хаёл суриб ўлтирарди чол
Кўзини бир пиёзга қадаб,
Ҳамкишлоқлар дардманду беҳол
Йўл оларди шу чолга қараб.
Чолга сокин қилардилар арз,
Сўрардилар дарларга малҳам.
Этагига тармашиб маҳкам
Сўрардилар битта пиёз-қарз.
Элга раҳм қилар эди чол,
Бошларини силар эди чол.
Қўлидаги сўнгги пиёзни
Бўлиштириб берар дарҳол.

* * *

Қўлидаги бир сиқим садаф
Эл оғзидан тўкилган оқ тиш.
Еш тўкар чол садафга қараб,
Ташқарида изғирадн қиш.
Пўстинини кийиб, боғлаб бел,
Ўзангига қадайди аёқ.
«Қани, ким бор, менга
Йўлдош» — деб
Кўтаради қўлида таёқ.

* * *

Отлар борар Қизилсув бўйлаб
Дам сув кечиб, дам
босқилаб қор,
Нигитларга саргузашт сўйлаб,
Далда берар чол бенхтиёр.
Мўйловларда музлаб қолар
ҳавр,
Тармашади киприк-киприкка.
Шундай азоб уқубатли давр
Ҳамла қилар уларга тикка.
Дарё тубан, води баландда,
Тоғлар эса осмон ўпишган.
Хонлар қуни ўтар ишратда
Эл қайғуси қай эсга тушган!
Мағрур турар «Пиёзий» тоғи
Хазинада ётган дев каби.
Зирқирайди чолнинг тирноги,
Изғиринда ёрилган лаби.
Қаттиқ босиб тишини-тишга
Тоғ бағрида қозади пиёз,
Нигитларни солади ишга,
Қани пиёз? Пиёз жуда оз!
«Пиёз емай азобинг қурсин!» —
Деб кўтарар қоматини чол,
Аммо яна келади устун
Пиёз кутган бола ва аёл.

* * *

Бир халтадан пиёзни ортиб
Келар эди чол ва йўлдошлар,
Ҳайҳот! Нохос гулдурос отиб
Упирилди қор билан тошлар.
Отга қамчи уриб қолди чол,
Кўзларида ёнар эди ўт,
Кўтарилди тўзон ва шамол,
Тор дарани қоплади булут...
Келар эди қишлоққа томон
Чол ёнида фақат бир йигит,
Тор кўринар кўзга ер, осмон;
Қалб қисилар тиллар лол,
жим-жит...

II

Чолга йўлдош бўлган Саъдулла
Чол ҳақида сўзлар ҳикоя,
Қани ҳозир бўлсаю ялла —
Айтиб пиёз терса ниҳоят.
Чол гўрини суваб, ғишт териб
Гулдасталар қўяр аҳоли,
Дарвандларга тоғ пиёз бериб
Даволаши эсладир ҳали.
Инсон учун чексанг машаққат,
Топа олсанг дардига даво,
Қозанарсан чексиз муҳаббат
Ва яшарсан қалбда доимо.

* * *

Шовуллайди «Пиёзий» канал,
Семиз тупроқ сув ичар қониб.
Эл ишлайди ҳар ёнда жадал
Давронидан, бахтдан қувониб.
Машиналар чиқмоқда тоққа,
Элнинг иши бўлмоқда осон.
Куч-қудратга тўлиб, ҳар ёққа-
Қўл чўзмоқда озод, мард
инсон;
Гуллаётир тоғдаги водн;
Экинлару боғлар серҳосил;
Пиёз ўсар номи «Пиёзий»;
Ҳар биттаси чойнаклай;
Қойил!
1959 йил.

Раҳим ЖАЛИЛ

Гулрўнинг хати

(«ПУЛОД ВА ГУЛРЎ» РОМАНИДАН парча)

Кечки овқатни биринчи марта бир ерда ейган кўнгиллилар бундан бир неча минут аввал Пўлоддан рухсат олишиб хотин, бола-чақаларини кўриб, уларни хотиржам қилиб келгани уй-уйларига кетишган эди. Иккита қизил аскар дарвозанинг олдида қоровуллик қиларди.

Шу дақиқада Рустам амакининг ҳовлисидан ўқ товуши эшитилди.

— Босмачилар келди, ўртоқ Пўлод, энди нима қиламиз? — деди Шокиров томнинг чеккасига келиб титроқ товуш билан. Дарвоза олдида қоровуллик қилаётган икки қизил аскар ва отхонадан Салимбой югуриб келишди, шу вақт кўчадан ҳам одамларнинг гала-говур товушлари эшитила бошлади.

— Кўнгиллилар келдилар, — деди Салимбой.

Дарвозахонадан Сангинбой билан Сафарбойнинг таниш овозлари қулоққа чалинди.

— Ўқ товуши қаердан эшитилди, ўғлим Пўлод, сен ўзинг қаердасан?

— Шу яқин орадан деворнинг орқасидан эшитилди,—деди Пўлод ва олдинга томон юрди, ҳамма эргашди.

— Саросима бўлмай, сойнинг лабига тушинглар!

Буйруқ бир дақиқада ижро этилди. Пўлод фақат бир кунлик қарбий машқ қилган кўнгиллиларнинг эпчиллигига ҳайрон қолди. Шу дақиқада Рустам амакининг эшиги гижирлаб очилди-ю, ичкаридан бир одам чиқди, у одамнинг букилган қалди Рустам амакига ўхшарди.

— Ким? — деб ҳайқирди Пўлод.

—Мен, ўғлим Пўлод, ҳавотирланманглар, ўқ товуши бизнинг ҳовлидан чиқди.

— Сизнинг ҳовлингиздан?!

— Ҳа, менинг ҳовлимдан. Қизим кеча аллақаердан бир тўппонча топиб келиб, уйга яшириб қўйган экан. Биз уйқуга кетганимиздан кейин ташқарига чиқиб ўқ узибди.

— Худоё тавба, бу нима гап ўзи? — деди таажжубланиб Сафарбой, — қиз бола тўппонча отадими-а?!

— Бу ёмон эмас, — деб кулди Пўлод. — агар хотин-қизлар ҳам тўппонча ва милтиқ отишни ўрганишса кўп яхши иш бўларди.

— Тўппончани қўлидан тортиб олдингизми? — деб сўради Сафарбой, — яна бирор фалокатнр бошлаб юрмасин.

— Ҳеч бермайди. «Ўлдирсанг ҳам бермайман!» дейди.

— Бермайман деганига қараб ўтирибсанми? Қўлидан шартта тортиб ол қўй-да, ахир!

—Бермайман, дедим, бермайман, нима қилсангиз қилинг! — Рустам амакининг эшиги орқасидан Гулрўнинг овози эшитилди, бу ҳолат ҳаммани ҳайратда қолдирди. Рустам амаки қизининг бетга чопарлигидан қаттиқ ижодат бўлиб бошини қуйи солди.

— Берма, синглим, шу тўппончани сенга тақдим этдим, лекин эҳтиёт бўл. Аввал ўқ отишни ўрганиб олиш керак.

— Ўрганаман.

— Бўпти, ўрган! — деди Пўлод ва Рустам амакига гасалли берди.— ҳафа бўлманг, амаки, зарари йўқ. Ҳамширам, «улар ҳушёрмикин ёки йўқми? деб бизни бир синаб кўрганда.

— Э, синаб кўрмай кетсин-э, нақ каналгимни очириб юборди-я,—деди Пўлоднинг тасаллисидан андак ладилланган Рустам амаки.

— Хўш, ҳамма келдими? — деб сўради Пўлод.

— Йўқ, ҳали ҳамма келгани йўқ, — деб жавоб берди Салимбой.

— Қўрққанлар сичқонининг инини ижарага олди, десангиз-чи! — деди Сафарбой. Дарҳақиқат рўйхатга ёзилган ўттиз нафар кўнгиллидан фақат ўнсаккиз кишигина келган эди.

— Меҳмонхонага кирайлик-чи, ким бору, ким йўқлигини дарров биламиз, қўямиз.

Ҳамма Пўлоднинг кетидан меҳмонхонага кирди. Шарипов чўнтагидан рўйхатни олиб ўқий бошлади.

— Ёлгор Қобилов борми?

— Ҳа, келдим, — деб ташқаридан жавоб берди бир одам. — Дарвозахонадан келдим, чиқиб турайми ё шу ерда қолайми?

— Чиқаверинг!

— Хўп.

— Камол?

— Ҳаммадан аввал келган одим.

— Баракалла.

— Бўрибой Азимов?

— Ҳой, мен келдим.

— Қаёқдан келдинг?

— Ҳовлидан.

— Ҳайрият, йўлда ўз соянгдан қўрқмабсан!—деди аллаким.

— Бирор одам ош пиширш учун ўтин ёрса ҳам, бу милтиқ товуши бўлса керак, деб кечроқ келади, — деди Сангинбой. Одамлар қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

— Хўп, жим турингглар, Тоҳир!

— Йўқ, ё мўридан ёки обрездан топасиз...

Кулги яна авжига чиқди.

— Хўп жим бўлинглар, биз уч қисмга бўлинамиз, биринчи қисми шу ерда қолади, иккинчи қисми ташқарида туради, учинчи қисм эса, кечаси билан посбонлардан хабар олиб юради. Шокиров, сен шу ерда қоласан. Тешабоев туради. Иван Шамков биз билан бирга кетади, — Пўлод ўн кишини ажратиб олди. улар ўн отни эгарлашди. Соат тўқкизлардан ошган эди. Отлиқлар тог этагидан йўлга тушдилар.

Дастлабки қоровул уларнинг йўлини тўсди.

— Ким?

— Ўз кишиларимиз...

—Пароль.

— «Милтиқ», — деб жавоб беришди яқинроқ келиб.

— Ўтинглар.

Пўлод кўнгиллиларнинг интизоми ва хушёрлигидан анча хурсанд бўлди. Шу кеча ўн бир киши эрталаб соат бешгача қишлоқни бир неча марта айланиб чиқишди. қуёш шуълалари тог чўққиларига энди-энди туша бошлаган чоғда улар қарорғоҳга қайтиб келдилар. Пўлод ташқарида отдан тушаётганида кўза кўтариб сой бўйига кетаётган Гулрўни кўриб қолди. У то яқин келгунча худди Пўлодни кўрмаётгандай юзини яширмаслан қорама-қора келиб унинг ёнидан ўтиб кетди. Пўлод отнинг тизгинини Салимбойга тутқазиб, меҳмонхонага кирди. «Агар отаси рози бўлса шу қизга уйланардим, — деди ўзига-ўзи Пўлод.—Аммо ўшанда ҳам уруш тугагандан сўнг уйланардим. Борди-ю, унгача отаси эрга бериб юборса-чи? Ёки бешик кетди қилиб қўйилган бўлса нима бўлади?»

* * *

Гулрў кечки овқат учун ўгирда жўхори туярди. Онаси Саодатбиби эса ўчоқтепасидаги супачада сабзи ва шолғомни майдалаб тўғрарди. Гулрў жўхорини ағдариб шакароб бериб-да, яна туйишга киришди. Ҳудди шу маҳал қорачадан келган, шахло кўзли, дўмбоққина қизча— Сафарбойнинг невараси Очаой деворнинг рахнасидан ошиб Гулрўнинг ёнига келди.

— Қўғирчоғимга қачон кўз чатиб берасиз, опажон? — деди қизча.

— А, нима деяпсан? — Гулрў жўхори туйиш билан машғул бўлгани учун унинг гапини эшитмади. Очаой овозини баралла қўйиб саволини такрорлади.

— Шу ерда тур, синглим, — деди қизчани эркалаб Гулрў. — ҳозир жўхорини туйиб бўламан-да, қўғирчоғингга кўз чатиб бераман.

Қизча ҳам итоаткорона чордона қурди. Гулрў бўлса ишини лавом эттириб, ашулз айта бошлади, ўгир дастасининг гуре-гурс урилиши ҳудди чилдирма чалгандай унга жўр бўларди.

— Санобар, кел кўғирчоқ ўйнаймиз, — деб бояги ўзи тушган рахнадан қараб аллакимни чақирди Очаой. Рахнанинг олдида эгнига янги қизил-духоба камзулча кийган, Очаойнинг ўзи тенгги бир қизча турарди. Санобар қишлоқда қассобчилик ва баққолчилик дўконига эга бўлган мулла Тоҳирбой деган кишининг қизи эди. Мулла Тоҳирбой анча вақтдан бери қишлоқда кўринмас. У босмачилар билан бирга қочиб кетган эди.

— Йўқ, — деди Санобар, — ойим эртароқ келиб овқатингни егин деган эдилар.

— Нима ош қилдинглар, укажон? — деб сўради Гулрў Санобардан.

—Палов ош қилдик. Уйимизда анча меҳмонлар бор, — Санобар девор рахнасидан тушиб Очаойнинг ёнига келди.

— Қанақа меҳмонлар, қаердан келишган?—деб суриштира бошлади Гулрў. Санобар ўз гапидан пушаймон бўлгандай, Гулрўга норозилик билан бир қараб қўйди.

— Дадам ҳеч кимга айтмагин дегаң эдилар.

— Даданг қачон келдилар?

— Ўтган куни келдилар.. Яна бошқа бирор одамга айтиб ўтирмаң, дадам мени ўлдирадилар-а!

— Наҳотки бирор одамга айтсам, укажоним, меҳмонлар қаердан келишган?

— Билмайман, бирталай кишилар келишган. Дадам меҳмонларнинг милтиқ ва қиличларини катта сандигимизга яширяб қўйдилар. — Санобар узоқ вақт ҳаёл суриб турди-да кейин илова қилди, — ҳамма меҳмонлар ертўламизда ўтиришибди.

— Ҳа, шундай дегин-а... Гулрў ўгир тепасида анча вақтгача нималарнидир ўйлаб қолди. бир неча дақиқа шўх кўзларини Санобардан узмади. Гулрўнинг чеҳрасида газаб аломатларини аниқ кўриш мумкин эди. — Менга айтдинг, лекин бошқа ҳеч кимга айтма, хўпми?

—, Хўп, сен яна бирор кишига айтиб қўймагин, Очаой,—деб Очойга мурожаат қилди Санобар.

— Йўқ, Очаой гап ташиб юрадиган қизлардан эмас, ҳеч кимга айтмайсан-а, шундайми?

— Ҳа, шундай.

Гулрў яна ўз иши билан машғул бўлди.

— Қизим, Гулрў, ҳали ҳам туйиб бўлганинг йўқми? — деб сўради Саодатбиби уйдан чиқиб.

— Бўлдим ойижон, келиб кўринг-чи, яхши майда бўлдимикан.

Саодатбиби келиб жўхорини ағдариб кўрди.

— Оҳ болам-эй, жўхорини ун қилиб юборибсан-ку! — «Бузоқ мол бўлгунча ўроклар қон бўлади» деганлари ҳақда. Бундан рўжа эмас, атала пиширса бўлади.

— Нима бўлибди, ахир? Ҳеч бало ургани йўқ-ку!

— Бало-ку ургани йўқ... Лекин намлаб-намлаб туйгин демабмидим сенга?

— Намлаганман.

— Ҳа, намлаш шунақа бўларканми?—Саодатбиби ўгирни ёткизиб ҳақиқатан ҳам кам нам қилиб туйилган жўхориларни лаганга ағдарди-да, ўчоқ бошига олиб кетди. Гулрў шимарилган енгини тушириб юборди-да, қўлинқ ювгали ариқ бўйига ўтирди.

— Очаой. синглим, кел энди қўғирчоғингга кўз чатиб бераман. Санобар, сен уйингга бор, қоронги тушиб қолди, йўлда қўрқасан.

Санобар истар-истамас чиқиб кетди. Очаой Гулрўга эргашиб уйга кирди.

Гулрў уйининг токчасидан чанг босиб кетган сопол сиёҳдонини олди. Сиёҳдонлари сиёҳ қуриб тошдай қотиб қолган эди. Гулрў сиёҳдонга озгина сув томизиб қалам (қамишдан ясалган ручка)ни ахтара бошлади.

(ОХИРИ ТЎРТИНЧИ БЕТДА)

А. И. Микояннинг Мексикада бўлиши

МЕХИКО, 20 ноябрь. (ТАСС мухбирлари). СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян кеча Мексика пойтахтининг Пасео де ла Реформа деган марказий кўчасида ўрнатилган Мексика мустақиллиги монументи ёнига гулчамбар қўйди. Гулчамбар қўйиш маросимида Мексика ташқи ишлар министрлиги протокол бўлимининг мудири Ф. Марискаль ва министрликнинг бошқа масъул ходимлари ҳозир бўлдилар. Маросимда Совет томонидан СССРнинг Мексикадаги элчиси В. И. Базикин, СССР Ташқи савдо министрининг ўринбосари С. А. Борисов, СССР Ташқи ишлар министрлиги Америка мамлакатлари бўлими мудирининг ўринбосари С. Р. Отриганов ва бошқалар ҳозир бўлдилар.

Соат 10 дан 30 минут ўтганда Совет меҳмонлари тушган автомашиналар монумент олдига келиб тўхтади. А. И. Микоян ва элчи В. И. Базикин Мехиконинг бу ерда тўпланиб турган жуда кўп аҳолисининг қарсаклари остида гулчамбарни кўтариб, монумент ёнига борадилар. Гулчамбар устидаги лентага «СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян. Мексика мустақиллиги учун кураш қаҳрамонларига» деб ёзилган.

Гулчамбарни қўйгандан кейин, А. И. Микоян шу ерниг ўзида турган кичик стол ёнига келади. Стол устида Мексика мустақиллиги монументи ёнига гулчамбар қўйган журматли меҳмонлар дафтари бор. А. И. Микоян дафтарга қуйидаги сўзларни ёзади: «Мексиканинг озодлиги ва мустақиллиги учун кураш миллий қаҳрамонларига совет халқи номидан иззат-ҳурмат билдиришни ўзим учун юксак шараф деб ҳисоблайман. А. И. Микоян. 1959 йил 19 ноябрь».

Мухбирларнинг илтимосига мувофиқ, А. И. Микоян ҳозир бўлганларга қарата қисқача нутқ сўзлайди. «Ҳар бир халқнинг муҳим тарихий воқеалари бор, — дейди у, — ўзи ҳурмат қиладиган ва улар билан фахрланадиган қаҳрамонлари бор. Ўз озодлиги ва мустақиллиги учун оғир кураш олиб борган Мексика халқининг ҳам бундай қаҳрамонлари бор. Идальго, Морелос ва бошқалар ана шу қаҳрамонлар жумласидандир.

Совет халқи ҳам ўз озодлиги ва мустақиллиги учун оғир ва узоқ кураш олиб борди. Шу сабабли сизларнинг ўз қаҳрамонларингизни иззат-ҳурмат билан эсга олган вақтдаги туйғуларингиз совет халқига яқиндир. Шу сабабли совет халқи сизларнинг ўз миллий қаҳрамонларингиз билан фахрланишингизга астойдил қўшилади.

Келинг, бутун дунёда тинчлик учун биргаликда кураш олиб борайлик. Вива эль пуэбло Мехикано! (Яшасин Мексика халқи!)».

А. И. Микоян бу ердан саноат ва савдо министрлигига бориб, саноат ва савдо министри Р. Салинас Лосано ҳузурида бўлди. Салинас билан суҳбатда СССР Ташқи савдо министрининг ўринбосари С. А. Борисов, Совет элчиси В. И. Базикин ва СССРнинг Мексикадаги элчихонасининг савдо маслаҳатчиси К. Д. Тихомиров ҳам қатнашдилар.

Ярим соатча давом этган суҳбат саммимий ва дўстона вазиятда ўтди. Кундуз соат 12 да А. И. Микоян ва унинг ҳамроҳлари президент саройига, Мексика президенти Адольфо Лопес Матеос ҳузурига расмий визит билан келадилар. Саройга кира беришда А. И. Микоянни президентнинг шахсий вакили кутиб олади. Улар биргаликда Лопес Матеоснинг кабинетига ўтадилар Бу ерда А. И. Микоян билан Матеос ўртасида саммимий суҳбат бўлади. Суҳбатда СССР элчиси В. И. Базикин ва Мексика ташқи ишлар министри М. Тельо ҳам қатнашдилар.

Суҳбатдан кейин А. И. Микоян Лопес Матеосга унинг ўзи ва рафиқаси учун совғалар тақдим этади. Совғалар орасида совет рассоми Малишевнинг «Январь қирови» деган картинаси бор. А. И. Микоян президент билан хайрлашар экан, унга сиҳат-саломатлик ва ишда муваффақият тилайди. Президент ҳам ўз навбатида, А. И. Микоянга энг яхши тилаклар айтади ва Мексикада бўлиш унинг учун мароқли бўлади, деб умид билдиради.

Совет меҳмони президентнинг қабулхонасидан чиқиб келаётганида уни маҳаллий ва чет эл газеталарининг мухбирлари, радио, телевидение ва телеграф агентликларининг мухбирлари қуршаб оладилар. А. И. Микоян президент билан қилган суҳбати ҳақида мухбирларнинг саволларига жавоб қайтариб, бундай дейди: «Суҳбатимиз жуда самимий ва дўстона бўлди. Биз мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларга доир масалалар ҳақида, шунингдек ҳар иккала мамлакатни қизиқтираётган халқаро проблемалар ҳақида ҳам гаплашдик.

Менинг Мексикада бўлишим ҳақида эса, ҳамма иш жуда яхши кетаётир, деб айта оламан. Сизнинг халқингиз жуда меҳмондўст, ҳамма жойда мен очиқ чирой ва табассумларни кўрдим. Буларнинг ҳаммаси халқингизнинг мамлакатимизга жуда яхши муносабатда эканлигини кўрсатади».

Мухбирлардан бири А. И. Микоянга савол бериб, далгалларнинг раҳбар арбоблари ўртасидаги учрашувлар бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш учун сизнинг фикрингизча, қандай аҳамиятга эга, деб сўради. Мен,— деб жавоб қайтаради А. И. Микоян,— бундай учрашувлар тинчликни мустаҳкамлашнинг асосий воситаларидан бири эканлиги тажрибада синаб кўрилган, деб ҳисоблайман.

МЕХИКО, 20 ноябрь. (ТАСС). СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян кеча Мексика президенти Адольфо Лопес Матеос ҳузурида бўлганидан кейин, Мексика сенатида бўлди. Конгресс биноси олдида Мексика пойтахтининг аҳолиси тўпланиб турган эди. Улар А. И. Микоян ва унинг ҳамроҳлари тушган автомашинани гулдурос қарсаклар билан ва «Хуш келибсиз!», «Яшасин Совет Иттифоқи!» деган табрик хитоблари билан кутиб олдилар. А. И. Микоян сенатнинг мажлислар залига ўтади. Сенат раиси Эдуардо Ливас Вильяреаль уни табрик сўзи билан кутиб олади.

Сўнгра А. И. Микоян нутқ сўзлайди. Ижтимоий тузумлари турлича бўлган давлатлар, деди у, ўзаро тинч-тотув яшай оладилар ва тинч-тотув яшашлари лозим.

А. И. Микоян айтдики, кейинги вақтда тинчликсевар халқларнинг биргаликдаги ҳаракатлари туфайли халқаро кескинликнинг сезиларли даражада юмшашига эришилади. Бунинг натижасида бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ишида қулайроқ перспективалар вужудга келди. У, Н. С. Хрушчевнинг АҚШга қилган сафари бутун халқаро вазиятни яхшилаш ишида халқаро миқёсда катта аҳамиятга эга бўлганлигини уқтириб ўтди.

Совет Иттифоқи, деди А. И. Микоян, Мексика Қўшма Штатлари билан, барча Америка мамлакатлари билан, шу жумладан сизнинг шимолий қўшнингиз билан ҳам яхши муносабатларда бўлишни истайди. Биз, деб давом қилди у, Латин Америкаси мамлакатларининг ўз проблемалари, шу жумладан империалистик мамлакатлар билан муносабатларда ҳам ўз проблемалари борлигини тушунамиз. Масалан, индустрлаштириш, турмуш даражасини ошириш, ташқи савдода экспорт ва импорт қилинадиган товарларга адолатли нархлар ўрнатиш проблемалари ана шулар жумласидандир. Бу масалаларда биз сизларнинг томонингиздамиз ва сизларга хайрихоҳмиз.

А. И. Микоян айтдики, ёпишасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисида Совет ҳукумати бошлиги Н. С. Хрушчев томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг XIV сессиясида баён этиб берилган план Совет Иттифоқи тинчлик сиёсатининг моҳиятидан келиб чиққандир. Бу иш Совет Иттифоқининг кучсизлигини билдиради, деб эндиликда ҳеч ким айтолмайди, деб давом қилди А. И. Микоян, чунки бизнинг кучсиз эмас, балки ҳамма жиҳатдан — сиёсий, иқтисодий, маданий ва ҳарбий жиҳатдан ҳам кучли эканлигимизни ҳаммз кўриб турибди.

Совет халқи, деди А. И. Микоян, бизнинг парламентимиз ва ҳукуматимиз тинчлик ва умумий хавфсизлик ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга қатъий бел боғлаганларидир.

Пировардида А. И. Микоян Мексика билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстона муносабатлар ҳамжиҳатлик руҳида, иккала халқнинг дўстлиги ва равнақи манфаатлари йўлида, умумий тинчлик йўлида ривожланади, деб ишонч билдирди.

Сенатор Эдуардо Ливас Вильяреаль жавоб нутқи сўзлаб, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоянни ва унинг ҳамроҳларини сенат номидан самимий табриклади ҳамда уларга Мексикада бўлишлари муносабати билан энг яхши тилакларр билдирди.

Яқинда бизнинг шаҳримизда очиладиган совет виставкаси, деди сенатор, Совет Иттифоқи билан Мексика ўртасида иқтисодий ва маданий алоқаларни истаган даражада кенгайтириш учун, шубҳасиз, таъсирли восита бўлиб чиқиши лозим. Бу виставка бизга совет халқининг техника соҳасидаги катта ютуқларини яхшироқ билиб олиш ва уларга бақо бериш учун ҳам, шубҳасиз, имконият туғдиради.

Расмий қисмдан кейин, Ливас Вильяреаль сенат номидан А. И. Микоянга совғалар тақдим этади.

Сўнгра А. И. Микоян шарафига қабул маросими бўлди. Қабул маросими вақтида А. И. Микоян сенаторлар, меҳмонлар ва мухбирлар билан суҳбатлашди.

Ўша куни кечқурун СССРнинг Мексикадаги элчиси В. И. Базикин СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян шарафига қабул маросими ўтказди. Қабул маросимида ташқи ишлар министри М. Тельо ва Мексиканинг бошқа давлат арбоблари. Мексика жамоатчилиги ва матбуотининг жуда кўп вакиллари ҳозир бўлдилар.

Қисқа сатрларда

✦ **Орджоникидзе.** Киров қишлоқ совети ҳузуридаги кутубхонада китоб фонди тобора ортмоқда. Ҳозир кутубхонадаги китоблар сони 10 минг нусхадан ошиб кетди. Бу китоблардан 550 китобхон фойдаланмоқда.

А. Пирматов.

✦ **Янгийўл.** Жданов номли колхоз қиёфаси борган сари кўркам тус олмоқда. Сўнгги бир йил ичида бу ерда правление учун бино, меҳмонхона, ҳаммом ва сартарошхона бинолари қад кўтарди. Янгидан солинган 7 та маданий шийпон ҳузурида ҳашарчилар учун махсус ётоқхоналар қурилди.

А. Набихўжаев.

✦ **Сирдарё.** Верхне-волинск районни Сирдарё районига бирлашгач, район ижроия комитети биноси мактаб-интернатга айлантирилди. Хоналар сифатли ремонт қилиниб, ўқувчиларнинг яшаб, билим олишлари учун зарур шароитлар яратилди. Ҳозир мактаб-интернатда 150 га яқин ўғил-қиз тарбияланмоқда.

О. Эргашев.

✦ **Қорасув.** Райондаги Свердлов номли колхозининг «Политотдел» участкасида 200 сигирга мўлжалланган янги молхона биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, отхона ва қишки молхона бинолари сифатли ремонт қилинди.

И. Рустамов.

✦ **Тошкент.** Пойтахтимиздаги Чиғатой кўчасида яқинда янги болалар боқчаси очилиб ишга туширилди. Ҳозир боқчада 60 га яқин бола тарбияланмоқда. Бу ерда уларнинг вақтни кўнгилли ўтказишлари учун барча қулайликлар яратилган.

М. Орипова.



Пойтахтимиздаги собиқ Чорсу майдонининг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Пастқам чуқурликлар тўлдирилди, кўчалар текисланиб, асфальт ётқизилди. Қисқа вақт ичида кўркам бир майдон вужудга келтирилди. Ана шу майдонда Октябрь байрами арафасида республикамизнинг биринчи президенти Йўлдош ота Охунбобоев ҳайкали қад кўтарди. Энди бу обод хиёбон ота номи билан аталади. Бу янги майдоннинг умумий кўринишини ёш рассом А. Холиқов чизган.

ҲАВАСКОРЛАР НОТА ЎРГАНИШМОҚДА

Пойтахтимизнинг Октябрь район Маданият уйида ҳаваскорларга нота ўргатила бошланди. Тўгарак раҳбари ўртоқ Ш. Салаев шу кунларда машғулотларни нотани ўрганиш билан қўшиб олиб бормоқда. Бу тадбир ҳаваскорларнинг музика билимини пухта эгаллашларини таъминлайди. Ҳозир ҳаваскорлар айрим куйларни нотага қараб чалишни ўргандилар.

Ж. НАЖМИДДИНОВ.

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ

Халқаро шахмат турнирида

А. Грушевский—турнир пешқадами

Осиё мамлакатлари халқаро шахмат турнирининг иккинчи турида Грушевский Бахтиёр (Индонезия)ни, Крутихин Лим Хонг Гиэ (Индонезия)ни ютди. Муҳитдинов — Лилиенталь учрашуви дуранг бўлди.

Халқаро гроссмейстер Лилиенталь билан мастерликка кандидат Грушевский ўртасидаги партия учинчи турнинг марказий учрашуви бўлди. Ўйин давомида Ўзбекистон вакили марказдаги яккаланиб қолган пиёдаси теварагида шундай чиройли маневрлар қилдики, бунинг натижасида вужудга келган хавф москвалик гроссмейстерни таҳликага солиб қўйди. Лилиенталь ортиқча қаршилик кўрсата олмай, таслим бўлди. Бу Грушевскийнинг гроссмейстер устидан эришган биринчи ғалабасидир.

Ўзбекистон ССР чемпиони Баренбаум оқ доналар билан СССР спорт мастери Муҳитдиновга қарши ўйнаб инглизча дебютни қўлланди. Ўйин Муҳитдиновнинг ғалабаси билан тугади.

Жуда мураккаб ва кескин тарзда давом этган Каталимов (Қозоғистон) ва Гусев (Тожикистон) партияси кейингисининг фойдасига ҳал бўлди.

I ва II турда кечиктирилган партиялар давом эттирилганда Ўзбекистоннинг икки вакили — Баренбаум ва Грушевский ғалабага эришдилар. Ўзбекистон чемпиони Момо (Мўғулистон)ни, турнир пешқадами эса Каталимовни мағлубиятга учратди.

Тўртинчи турда Муҳитдинов — Лим Хонг Гиэни, Грушевский Баренбаумни ютди. Сарваров эса Лилиенталга ютқазди. Магмарсурен—Каталимов партияси дуранг бўлди.

Учинчи ва тўртинчи турда кечиктирилган ўйинлар давом эттирилганда Сарваров Бахтиёрни, Бахтиёр Гусевни, Момо Нурмамедовни ютди.

20 ноябрда ўтказилган мусобақанинг бешинчи тури жуда қизиқарли бўлди. Бу турда Гусев Лилиенталани, Момо Крутихинни, Бахтиёр Магмарсуренни, Баренбаум Сарваровни ютди. Турнир пешқадами Грушевскийнинг бешинчи ғалабани қўлга киритди. Унга Лим Хонг Гиэ таслим бўлди. Спорт мастери Муҳитдинов кетма-кет учинчи ютуққа эришди. Бу сафар у Нурмамедов устидан ғалаба қозонди.

Шундай қилиб, 5 имкониятдан беш очко олган Ўзбекистон вакили Грушевский турнирда лидерлик қилмоқда. Муҳитдинов эса 3,5 очко билан иккинчи ўринда бораётир.

У. ЭЛЬБЕКОВ,
мастерликка кандидат.

ФУТБОЛ

СССР футбол федерациясининг қарори билан келгуси йил «А» классида Ўзбекистон футбол командаси ҳам ўйнаши керак. Ҳозирги кунларда ана шу терма команда составига кандидатлар танланмоқда. Шу муносабат билан «А» класси командасига кандидатларнинг биринчи ва иккинчи составлари Ленинград шаҳрининг «Спартак» («Б» класси) футболчилари билан иккита учрашув ўтказдилар.

Ўтган жума куни «Пахтакор» стадионида бўлган иккинчи учрашувда тошкентликлар қуйидаги составда ўйнадилар: Малисов, Шарипов, Козенков, Моторин, Федоров, Заикин, Нелелькин, Архипов, Красницкий, Стулов ва Тимохин. Бу ўйин ҳам биринчиси каби 2:2 ҳисоби билан дуранг бўлиб тугади.

Иккала учрашув ҳам кандидатларнинг кучлилар даврасида ўйнай олишлари учун техник маҳоратни тинмай ошира боришлари лозимлигини кўрсатди.

Тошкент давлат гидрометереология техникуми V-курс студентларининг ишлаб чиқариш практикалари жуда қизиқарли ўтмоқда. Улар олган билимларини обсерваторияда амалий тажриба ўтказиш билан мустаҳкамламоқдалар. Суратда: техникум V-курс студентларидан Л. Белугина (чапдан) ва А. Нечаева гелограф аппаратида қуёш ботгандан сўнг лентани алмаштиришмоқда.

А. Абалян фотоси.

Танкчи Шариф Раҳмонов

Сигнал берилиши билан танк олға қараб кетди. У гоҳ тепаликка интилса, гоҳ пастга шўнғийди, яна тўсатдан ўнг ёки сўлга бурилади. Бу тактика машғулотини ўзбек йигити моҳирлик билан бажарарди.

Дадиллик, ҳушёрлик, тез ҳаракат қилиш, машинанинг имкониятларини аъло даражада билиш ва уларни ўз вақтида ишга солиш танкни бошқариб бораётган киши учун зарур бўлган хусусиятлардир. Юқоридагидек оғир ва машаққатли маршрутдан эса, танкни жуда тезлик билан олиб ўтишни ҳамма танкчилар ҳам уддалай олмайдилар. Аммо бундай масъулиятли вазифани танкчига хос бўлган хусусиятларни эгаллаб олган Шариф Раҳмонов моҳирлик билан бажарарди.

Сержант Ш. Раҳмонов севикли Ватан олдидаги бурчини сидқидиллик ва шараф билан адо этаётгани учун ўз қисмидаги бошқа солдатларга намуна бўлмоқда. Яқинда у имтиҳонларни муваффақиятли топшириб, 1-класс механик бошқарувчи номини олди. Шариф бу билан чегараланиб қолмай, ҳозир танкни бошқарувчи мастер унвонини олишга интилмоқда.

Ўртоқ Раҳмонов жанговар ва сиёсий тайёргарликни тинмай такомиллаштира бориб, юқори кўрсаткичларга эришаётир. Ўзбек жангчиси Шариф Раҳмонов ўз хизмати билан Ватанимиз куч-қудратини мустаҳкамлаш ва тинчликни сақлаш ишига оз бўлса ҳам ҳисса қўшаётганидан фахрланса арзийди.

В. ЕРЕМЕЕВ.

Бугун «Ташкентская правда» газетасида

Газетанинг биринчи бетида ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг мактуби босилган. Шу бетда Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан қабул қилинган Қарор ва Қонунлар ёритилган.

Иккинчи бетда Ўзбекистон ССР Олий Советининг III сессияси ҳақидаги ҳисобот ўрин олган.

Учинчи бетда СССР Министрлар Советининг биринчи ўринбосари А. И. Микояннинг Мексикада бўлиши тўғрисида ахборот, филология фанлари кандидати И. Сиркинанинг улуғ француз ёзувчиси ва философи Вольтернинг туғилганига 265 йил тўлиши муносабати билан ёзган мақоласи бор.

Тўртинчи бетда эса археолог В. Спришевскийнинг Ўзбекистон халқлари тарихий музейига қўйилган янги экспонатлар тўғрисидаги хабари, И. Юнусовнинг қаҳрамон «Порт-Артур невералари ҳузурида» деган корреспонденцияси ва маҳаллий материаллар босилган.

Телевизор экранида

22 НОЯБРДА

12.00. Рус тилида «Маданият университети» деган эшиттириш.
12.45. Бадиий фильм — «Енгилтак».
14.15. Болалар учун янги мультипликацион фильм — «Муюлишда».
19.00. Саноат ходимлари учун ўзбек тилида эшиттириш.
19.20. Бадиий фильм — «Дугоналар».
21.00. Музикали драмалардан парчалар. Танаффус вақтида сўнгги ахборот.

23 НОЯБРДА

19.30. Мактаб ўқувчилари учун рус тилида «Костёр» телевизион журнали.
20.05. Рус тилида «Фан ва техника оламида» деган эшиттириш.
20.40. Сўнгги ахборот.
21.00. Бадиий фильм — «Поезддан тушган киши».
22.30. «Ўзбек халқ чолғу асбоблари» деган иккинчи музикали суҳбат.

Редактор: З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 22/XI да кундуз **Айтсам тилим куйди, айтмасам дилим,** кечқурун **Алишер Навоий,** 24/XI да **Гамлет.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 22/XI да **Евгений Онегин,** 23/XI да **Дилором,** Дирижёр — СССР халқ артисти **Мухтор Ашрафий.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Украин цирки** ва **А. Шаг аттракцион** гастролининг сўнгги томошалари. Бугун 3 марта томоша кўрсатилади (кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да).

«ВАТАН» — эрталаб соат 10, 11 ярим, кундуз 1, 2 ярим, 4, кеч 9 ва 10 яримда **Контрабандистлар,** кеч 5 ярим ва 7-20 минутда **Матрослар қўшиғи,** кинохроника залида — эрталаб соат 10 ва кеч 9-10 минутда **Н. С. Хрушчев Америкада.**

НАВОИЙ НОМЛИ, «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» — кундуз ва кечқурун **Мамлук.**

«ИСКРА» — эрталаб соат 9 дан кеч 5 гача ва кеч 10-25 минутгача **Марти,** кеч 5 дан **Мамлук.**

«СПУТНИК» — кундуз ва кечқурун: 1- залда **Мамлук,** 2- залда **Контрабандистлар.**

Ташкилот раҳбарлари диққатига!
ИДОРАЛАРДАН
обунага
ЗАЯВКА
ҚАБУЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ 25 НОЯБРДА ТУГАЙДИ
Бу муддатдан кейин 1960 йил январь ойига обуна қилинмайди.
Бирлашган нашриёт.

1959 йил 2 декабрь кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ижтимоий фанлар бўлимининг бирлашган илмий совети мажлисида (Навоий кўчаси, 69-а уй, конференц-зал) қуйидагилар

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

С. А. Султонов — юридик фанлар кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Ўзбекистон ССР Олий Советининг вужудга келиши ва унинг фаолияти (1938—1959 йиллар)» деган темада.

Д. И. Рудзянский — тарих фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Биринчи беш йиллик даврида Ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши (1928—1932)» деган темада.

Диссертациялар билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Қорасарой кўча, Рибний проезд, 12-уйда турувчи **Мавжуда Бекмуҳамедованинг** Киев кўчаси, 35-уйда турувчи Учқун, Бекмуҳамедовдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 2-участка халқ судида кўрилади.

Гулрўнинг хати

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА)

—Гулрў опа, яна нимани қидираяпсиз?

— Жим ўтир, пошша қиз, мен қалам ахтараяпман, битта хат ёзиб бераман, сен уни ҳеч кимга сездирмай олиб бориб берасан.

— Қаерга, опажон?

— Ишинг бўлмасин, кейин ўзим айтаман, — деди у. У бундан етти йил бурун Рустам амаки орзу қилиб шаҳардан олиб келган қамиш қаламни топди. Қамиш қалам отинбибининг койиши ва калтакларини хотирига туширди. Гулрўнинг зеҳни ўткир бўлишига қарамай, отинбиби ҳар турли нарсаларни баҳона қилиб унинг бошига калтак билан туширарди. Гулрў бу калтакларнинг сабабини яхши биларди. Калтакланган чоғида отинбиби унмаган пайшанбалик нонларни талаб қилаётган бўларди. Отинбиби ўқувчилар уйидан келадиган даромадларнинг камайиб кетганидан хафа эди.

Гулрўни етти яшар чоғида мактабга беришган эди. Лекин Рустам амаки қизининг мактабга қатнашидан рози эмасди.

— Мулла бўлиб мадрасага мударрис бўлармиди? — деди Рустам амаки. Лекин Саодатбиби айтганидан қайтмади.

— Мударрис бўлмаганда ҳам, хат-саводли бўлади-ку, ахир. Мен билан сизга ўхшаш оғзидан гапи тушиб кетадиган нодон бўлиб қолса яхшими? «Умидли дунё» деганлар, ўқиса ёмон бўлмайди. Ҳамма одамлар мударрис бўламан деб ўқимайдилар-ку,—деди Саодатбиби.

Гулрў ўнбир ёшида «Чор китоб»ни ўқишга киришди. Ўн уч ёшида Хўжа Ҳофиз ва Бедилни ўқиди. «Чор китоб»ни эса ёд қилиб олди. Ҳусни хатда ҳам анча дуруст эди. У Ҳофизнинг кўпгина ғазалларини ёдлаб олган эди. Бу ғазалларни яхши тушунар ва севарди.

Гулрў «Ҳофиз девони» ичидан бир парча оқ қоғозни топиб, китобнинг муқоваси устига қўйди-да, бир тиззалаб ўтириб хат ёзишга киришди. Шу маҳал масжид мезанасидан сўфининг азон товуши эшитилди. Туз олиб кетиш учун келаётган Саодатбиби азон товушини эшитиб уйнинг остонасига ўтирди. Гулрў уҳ тортди, онасининг алланима деганини эшитиб, қамиш қаламини секин пастга қўйиб яна олди.

Унинг қалами қоғозга «Пўлод» деган сўзни чиройли қилиб ёзган эди:

— Отамнинг айтишларига қараганда, сизнинг номингиз Пўлод экан. Пўлод! Бизнинг оиламиз ва барча қишлоқ аҳлига қилган яхшиликларингиз эвазига мен ҳам бир яхшилик қилмоқчиман. Бизнинг қишлоғимизда бир сир бор, бу сирни сиз билишингиз лозим ва зарур...»

Хат шу ерга етганда Гулрў қаламини қоғоздан кўтарди.

«Вой ўлмасам, мен нима иш қилиб ўтирибман ўзим, — деб ўз-ўзига савол берди у, — бутунлай нотаниш бир одамга хат ёзаяпманми? Отаонам сезиб қолгудай бўлса, нима дейишади?

У «Ҳофиз девони» билан хатни тиззасидан олиб ерга қўйган ҳам эдики, Саодатбиби уйга кириб, кўзи Гулрўга тушди.

— Қоронғида нима ёзиб ўтирибсан?

— Онажон анча вақтлардан буён қўлимга қалам ушламаган эдим. Қўлим хат ёзишдан чиқиб кетмадимикан деб текшириб кўраяпман.

У. Очаойга қараб лабини тишлаб, кўзини қисиб қўйди. Гулрў хаёлга чўмди. Уйни қоронғилик боса бошлади, даричадан қуёшнинг ботиб бораётгани кўриниб турарди. Қуёшнинг сарғиш шуълалари мирза тераклар-нинг энг баланд шохларигагина тушиб турарди. Гулрў ўрнидан турди. У қадимги қора чироққа ёғ мўндидан ёғ солди, пилигини олдинроққа суриб, токчанинг лабига қўйиб ёқди. Чироқ худди хўл ўтиндай буриқиб ёнди. Токча четини қозоннинг тагидай қорайтирган нарса ҳам ана шу қора чироқнинг тутуни экани аниқ сезилиб турарди. Гулрўнинг юрак тепиши жойига тушиб, ранг-ги-рўйи ҳам аслига қайтди. Гулрўнинг назарида, Пўлод худди уй эшигининг даҳлизига келиб, қўлини чўзиб «Қани, қоғозни бу ёққа бер!» деб талаб қилаётгандай бўлиб кўринди. У «нега қоғозни бермайсан, ё уяляпсанми? Қани, узаг, бу қадар уятчан бўлиш ярамайди-ю», деяётганга ўхшарди.

— Албатта ёзаман! — деди Гулрў катъий ва ёзишда давом этди:

«Агар сирни билишни истасангиз—бу сирдан воқиф бўлишингиз албатта зарур, шу бугун кечаси тонг отар чоғида бизнинг уйимиз орқасидаги шаршаракнинг олдига келинг.

Гулрў»

Унга, исмининг бош ҳарфи унчалик чиройли ёзилмаганга ўхшаб кўринди. Қамиш қаламни қайтадан сиёҳга ботириб, бутун ҳунарини сарфлаб исмининг устидан такрор сиёҳ юритиб чиқди, кейин Очаойни ўз ёнига чақирди.

— Синглим, манови қоғозни Нуъмонхожининг ташқари ҳовлисига олиб бор. Сен аскарларнинг каттаси Пўлодни биласанми?

— Биламан, кеча у менга бир чақмоқ қанд берган эди.

— Унинг Пўлод эканини қаердан биласан?

— Биламэн опажон, ўша кишини бобомлар Пўлоджон дейдилар-ку. Соч ўстирган киши-да.

—Ҳа, худди ўша. Бор, агар ўша ерда бўлса қўлига бер. «Ким берди?» деб сўрагудай бўлса, ўқисангиз биласиз дегин, лекин жуда эҳтиёт бўл. Бирор одам сезиб қолмасин. Агар менинг дадамми ёки ўзингнинг бобонгми унинг олдида бўлса бермагин. Пойлаб тур, ўзи ёлғиз қолган чоғида секингина кириб бер. Тезроқ қайт, мен то сен қайтиб келгунингча қўғирчоғингга кўз чатиб қўяман.

— Хўп.

— Тўхта! — Гулрў Очаойни йўлидан тўхтатди. — Бир амаллаб хатни топшириб келишга ҳаракат қил, қўрқмагин, хўп — опаси айлансин! —Гулрў Очаойнинг пешонасидан ўпди. Қизча чиқиб кетди. Гулрўнинг юрагини яна ваҳима босиб кетди. У уйда икки-уч марта у ёқдан бу ёққа юрди. Кейинги гал қоқилиб кетиб, сиёҳни тўкиб юборди-ю, гўё шундан сўнггина хуши ўзига келгандай бўлди. Сиёҳдон билан қамиш қаламни токчага олиб қўйди. Даричанинг олдига келиб деворга суянди. Бир ўрим сочини кўкрагига тушириб олди-да, қайтадан пишиқ қилиб ўра бошлади. Аммо хаёли Пўлодда, икки кўзи эшикда бўлиб, Очаойнинг қайтишини интизорлик билан кутар эди.

Кўча эшиги ғижиллаб очилди, лекин бу келган Очаой эмас, кўнгиллилар олдидан қайтиб келган отаси эди.

— Келдингизми, дадаси! — Овқат ҳам пишиб қолди, — деди Саодатбиби эрига.

— Келдим, қани, тезроқ сузиб олиб кел-чи.

—Тезроқ?! Яна бирор жойга ғойиб бўлиб кетмоқчимисиз?

— Облоҳу акпар! — деб хотинидан гина қилди Рустам амаки, хотинки қаридими, чакаги очилади қолади. Сенинг жанжалингдан сира қутилмадим-да, қаёққа бораман, Маккага кетаётганим йўққи, узоқ десанг?

— Ахир, ҳар куни кечаси кетаверасизми?

— Нима қилди, ёлғиз қолдингу, бўри еб кетдими?

—Бўри еб кетса ҳисобми?

— Кел, жанжалингни қўю овқатни олиб кел, нима ош қилдинг?

Гулрў отасининг олдига келиб, салласини олиб қўймоқчи бўлди.

— Нима дейсан, қизим?

— Саллангизни беринг, михга илиб қўяй.

— Йўқ, қўявер, белимга боғлаб оламан. Кексайган пайтда фўта ҳам ҳасса сингари белга қувват бўлар экан, — Рустам амаки салласини белига ўраб боғлади-да, кейин сандалнинг тўрига ўтирди. Кейинги кунларда тонгача олов қилишмаса ҳам, лекин ҳали уни қўйишмаган эди. Ҳозир танча курси хонтахта вазифасини адо этарди. Гулрў малларанг бўз дастурхонни олиб келиб танча курсининг устига ёзди, токчадан икки-учта коса олиб ўчоқ бошига кетди.

— Тўхта қизим, — деди Рустам амаки Гулрўга, — тўппончани нима қилдинг?

—Турибди, нима қилди? — деди Гулрў ҳижолат бўлиб.

—Яна бирор фалокат чиқиб ўтирмасин дейман-да, қизолоғим, — кел гапимга кириб, тўппончани менга бер, олиб бориб топширай, хотиржам бўлай.

— Йўқ, отажон, овора бўлманг,— деди Гулрў қўрслик билан. — Мен энди тўппончани қандай асраш ва қандай ишлатишни биламан.

Саодатбиби ошни чўмич билан кавлаётиб, яна койиниб гинахонликка тушди.

— Аталадай бўлиб кетди-я, ахир одам жўхорини ҳам шундай туядими? Ҳеч вақт қилмаган ишингни келиб-келиб бугун қилдинг-а. Тавба!

— Хайр, энди нима бўлибди, ўтмай қоладими?

—Гап унинг ўтиш-ўтмаслигида эмас қизим. Кап-катта бўлиб қолган қиз жўхори туйишни билмаса қандай қилай, ахир,—деди Саодатбиби насиҳатомуз. Шу вақт Гулрў кўча эшикка бориб Очаойни кутиб олди. Очаойнинг авзойи уни ваҳимага солди. Қизча анча эзилган ва паришонхотир кўринарди.

— Синглим, қўғирчоғингга битта кўз чатиб қўйдим, иккинчи кўзини эртага чатиб бераман, — Гулрў Очаойнинг яқинига бориб, секин:

— Хатни бердингми? — деб сўради.

— Бердим.

— Кимга бердинг?

—Ўша айтган одамингизнинг ўзига, — деб жавоб берди Очаой бир нафас жим тургандан кейин.

Тожикчадан Рустам КОМИЛОВ таржимаси.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 26 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040.135. Саноат ва транспорт бўлими, маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048 156 Маҳаллий ахборот бўлими — 34048, 132. Секретариат — 29040 50 Эълонлар бўлими — 28142

Р. 07878. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. Б-1898.